

ҚОДИРОВА ЗОҲИДА СОБИРОВНА

**Бўлажак тарбиячиларни
касбий фаолиятга тайёрлаш
технологиясини такомиллаштириш
(малакавий амалиёт мисолида)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВА ЗОҲИДА СОБИРОВНА

**БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИ
КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(малакавий амалиёт мисолида)**

**«НАВРЎЗ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ-2019**

Ушбу монографияда “Мақтабгача таълим” йўналиши талабаларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиётни ташкил этишнинг янги узлуксиз тизимини ташкил этиш муаммолари ёритилган.

Шу билан бирга тарбиячилик касбининг ўзига хос хусусиятлари, амалиётни тизимли ташкил этиш орқали касбий фаолиятга тайёрлашнинг мазмуни ва технологик усуллари, тарбиячиларда шаклландирган педагогик малака лаёқат ҳамда амалиёт жараёнида талабалар фаолиятини самарадорлигини таъминлаш масалалари тўғрисида сўз юритилади.

Ишнинг алоҳида бўлимида бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришда педагогик амалиётни ташкил қилишга тизимли-технологик ёндошув, педагогик амалиётни ташкил қилиш технологиясининг самарали омиллари очиб берилган.


Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиётни ташкил қилиш масалаларига қизиқадиган педагоглар, мустақил тадқиқотчилар ва мақтабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун мўлжалланган учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Х.Усмонова филология фанлари доктори, доцент

Тақризчилар: З.Азимова педагогика фанлари доктори, доцент

Ў.Асқарова педагогика фанлари номзоди, доцент

Монография. Наманган давлат университети Илмий кенгашининг 12-рақамли йиғилиши (2019 йил 10-декабр) қарори билан нашрга тавсия этилган.



ISBN: 978-9943-602-1-7-5

© Наманган давлат университети,
Қодирова Зоҳида Собировна

© «Наврўз» нашриёти, Тошкент-2019 йил

КИРИШ

Мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимида кенг камровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар натижасида таълим тизимининг барча жабҳалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим муассасаларини замонавий жиҳозлар ҳамда ўқув-методик мажмуаларининг янги авлоди билан таъминлаш, малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида салмокли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ислохотлар жамиятда ўзига хос ижтимоий сиёсий, иқтисодий ривожланиш йўлини танлаб олиниши, шунингдек, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” гоёси ва талаблари асосида жаҳон таълим стандартларига мувофиқ келувчи узлуксиз таълим тизимини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратди. Таълим соҳасида олиб борилаётган ва аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ижтимоий жамият тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилди. Ўзбекистон Республика Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 октябрь куни мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда “Қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади”, дея таъкидлаб ўтдилар. Шундай экан, бу йўналишда амалга оширилаётган муҳим тадбирлар қаторида мутахассисларнинг янги авлодини шакллантириш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, мустақил дунёқарашга эга, ижодий фикрловчи, бой миллий меърос, шунингдек умуминсоний ва миллий кадриятларга садоқатли баркамол шахсни тарбиялаб, вояга етказиш вазифалари ҳам белгиланган.

Олий таълим муассасаси талабаларининг шахсий ривожланиши, улар ижтимоий-шахсий қизиқишларининг касбга йўналганлиги, мустақил фикрлашлари, ижодкорликлари, фаолликлари, дунёқарашларининг турғунлашуви ва ўз-ўзини тарбиялашга бўлган эҳтиёжларини шаклланиши каби ҳолатлар билан тавсифланади. Бўлажак тарбиячи мутахассис учун олий таълим муассасасида таълим олиш жараёни – педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда касбий жиҳатдан аҳамиятли саналган сифат, билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш ва ўз-ўзини такомиллаштиришнинг мақбул давридир. Талаба ушбу жараёнда билимларни жамлаш, саклаш, узатиш, уларнинг мантикий тузилмасини яратиш ва келажакда ўз фаолиятини ташкил этишда уларни самарали қўллаш йўлларини ўрганиш каби ҳолатларни ўзида мужассам эттиради.

Бўлажак тарбиячиларни касбга тайёрлашда педагогик амалиётнинг роли салмоқлидир. Зеро, олинган назарий билимлар амалиётда такомиллашди ва мутахассислик малакасининг шаклланишига замин яратади.

Бўлажак тарбиячиларнинг педагогика, психология ва махсус методика фанларидан олган назарий билимларини амалиётга татбиқ этишларида, уларда билим, маҳорат, касбий қобилият, салоҳият ва одобининг қай даражада шаклланганлигини аниқлаш ва такомиллаштириш педагогик амалиётнинг бош мақсадидир.

Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

- мустақиллик маҳсули бўлган халқ таълими тизимидаги мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнининг такомиллашув жараёнини ўргатиш;
- миллий ғоя ва миллий мафқурани , Конституция сабоқларини ҳар бир машғулот жараёнига татбиқ этиш методларини ўргатиш;
- таълим жараёнини янги дидактик талаблар асосида ташкил этишни долзарб тадқиқотларга таянган ҳолда, тажрибалар мисолида кўрсатиш;
- педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг мустақил фаолиятини таъминлаш;
- тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ота-оналар билан ишлаш маҳоратини амалиётда кузатиш ва таҳлил қилишга ўргатиш;
- тарбиячига хос бўлган касбий ва шахсий сифатларни шакллантириш;
- муассаса ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини тартибли тайёрлаш малакасини тарбиялашга эътибор бериш .

Бўлажак тарбиячиларга таълим-тарбия беришнинг мураккаб томонларини ҳал қилишда аввало ғоявий эътиқодга, касб-маҳоратига, исьтедод ва муомала маданиятига эга бўлишларини таъминлаш биринчи босқичдан бошлаб педагогика, психология фанларини ўқитиш орқали амалга оширилади

Ўзбекистон Республикаси “Мактабгача таълим концепцияси” ва Низомда ҳам педагогик ходимларни тайёрлашга катта эътибор қаратилиб, мактабгача таълим тизими бўйича фаолият юрита олиш қобилиятига эга бўлган ходимларни тайёрлаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаган.

Педагогик амалиёт даврида:

- бўлажак тарбиячи ўзи танлаган касбни эъозлаш ва унга содиқ қолишнинг мазмун ва моҳиятини англаб етиши;
- миллий тарбиячилик характерининг педагогик-психологик асосларига амал қилиши;
- бўлажак тарбиячи мутахассислигига хос бўлган билим, кўникма ва малака мажмуасига эга бўлиши;

- бўлажак тарбиячининг таълимий ва тарбиявий машгулотларни ташкил этиш маҳоратига эга бўлиши ҳамда уларни дидактик асосларини чуқур ўзлаштириб, замонавий педагогик технологияларни татбиқ эта олиши;
- таълим-тарбия жараёнини миллийлаштиришда умуминсоний кадриятлар билан бойитиш ҳамда болаларни миллий истиклол ғояси руҳида тарбиялаш ва эркин, мустақил фикрлай оладиган педагогик вазиятни яратиш каби назарий билимларини мустаҳкамлашга эътибор қаратилади.

Мактабгача таълим муассасалар фаолиятини такомиллаштириш, бўлажак тарбиячиларнинг эҳтиёжини қондириш учун Мактабгача таълим муассасалари Давлат “Концепция”си (2008), “Мактабгача ёшдаги болаларни таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талаблари” (2010), “Болажон” (2011 йил) таянч дастури каби меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти катта бўлиб, уларда педагогик амалиётга йўналтирилган ўзгаришларга олиб келувчи ташкилий шаклдаги янгиликлар киритилган.

Ў БОБ.БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришда педагогик амалиётни ташкил қилиш – ижтимоий эҳтиёж ва педагогик муаммо сифатида.

Ҳар қандай жамиятнинг истиқболли цивилизацияси унинг таълим-тарбия мақомига, янгича таълим тизими таркиби ва моҳиятига, теран маърифий маданиятига боғлиқ. Зотан, юксак таълим-тарбия даражасигина жамиятнинг, давлат ва миллатнинг келажагини таъминлайдиган, дунё узра нуфузини белгилайдиган ягона омил ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мустақил давлатимизнинг ягона мақсади инсонпарвар, демократик-ҳуқуқий жамиятни барпо этиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишнинг юқори босқичларига кўтариш, жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллашга йўналтирилган эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ушбу мақсадларни ижобий натижага эга бўлиши, энг аввало, ёш авлодга илмий билимлар асосларини пухта ўргатиш, уларда кенг дунёқараш ҳамда тафаккур кўламини ҳосил қилиш, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш борасидаги таълимий-тарбиявий ишларни самарали ташкил этишга боғлиқдир. Зеро юртнинг порлоқ истиқболини яратиш, унинг номини кенг ёйиш, улуг аждодлар томонидан яратилган миллий-маданий меросни жамиятга намоён этиш, мустақил Республикаимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллашини таъминлаш ёш авлодни комил инсон ва малакали мутахассис қилиб тарбиялашга боғлиқдир.

Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган касб эгаларининг ўзига хос касбий қонун-қоидаларини билиши ва уларга амал қилган ҳолда фаолият юритишини таъминлашда бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашга эътибор қаратилиши лозимлигини белгилайди.

Педагогика фанидан изоҳли лугатда “**касб**” терминига қуйидагича изоҳ берилган “**Касб** махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуасини, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган, уни жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик ҳуқуқларини таъминловчи инсоний фаолиятнинг туридир”¹.

Касб танлаш ва касбий фаолиятни шакллантиришга оид масалалар бир қанча педагог олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган. Жумладан;

¹ Педагогика фанидан изоҳли лугат. Т.: 2009-210-211-212-213 бет.

Педагог Х.Абдукаримов ўзининг асарида тарбиячилик касбининг моҳиятини асослаб, “тарбиячиликдан устун турадиган, тарбиячини ўрнини боса оладиган касб соҳиби бўлмаса керак”² – деган фикрни беради.

Профессор Ж.Хасанбоев бўлажак мутахасисларни тайёрлашда касбий фаолиятга эътибор қаратади ва касбий фаолиятга қуйидагича таъриф беради: - **Касбий функция-тегишли ўқув муассаларининг битирувчисига тегишли бўлиб, шахснинг ҳаётда эгаллаган соҳасида фаолият кўрсата олиш, ўз касби доирасида билимларини ўзлаштириш ва уларни оғишмай амалда жорий эта олиш фаолиятидир**³.

Профессор М.Очилов ўзининг “Ўқитувчи одоби” асарида “Фаолиятнинг маълум бир соҳаси билан шуғулланувчи кишиларга тааллуқли ахлоқий нормалар ва талаблар ҳам бор бундай ахлоқ **касб** (профессионал) ахлоқ дейилади, ”⁴ деган фикрларни беради. Олим бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш зарурлигини таъкидлайди.

Педагог олим А.Холиков ўз тадқиқотида ўқитувчилик касби мазмун моҳиятини асослаб “Педагогик касб - бу комил инсон сифатида характерлантирувчи ижтимоий аҳамиятга молик фазилатларнинг барқарор тизимидир”⁵ деган фикрни беради.

Олим Б.Х.Рахимов ўз тадқиқотида бўлажак тарбиячи ва ўқитувчиларни касбий маданий муносабатларини тадқиқ этган. Уни фикрича: “Касбий маданий муносабатлар шахслараро амал қиладиган, ижобий муносабатлар ечимига эришишда асосий восита, вазифасини бажаради ва шахс фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.”⁶

Жумладан тадқиқотчи Г.Боймуродовнинг тадқиқотида “Педагогик касбга тайёргарлик самарасини, кўпроқ фанларни чуқур ўзлаштириш ва амалиётда натижасини кўра билишни, чуқурлаштириш”⁷ деб таъкидлайди. Юқоридаги олимлар тадқиқотлари юзасидан маълум бўладики, бўлажак мутахасисларни касбий фаолиятига тайёрлаш мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Касбий фаолият мазмунини асословчи соҳалар:

- Касб хунар- таълим педагогикаси; (Р.Х.Джўраев, С.Т.Турғунов)
- Касбий билимдонлик (Х.Тўрақулов, Ж.Хасанбоев, Н.Муслимов, Ф.Юзликбаев)

²Х.Абдукаримов. Профессиональное воспитание личности учителя в процессе непрерывного педагогического образования. М.: - 1998 - 30 стр

³ Педагогика фанидан низоли лугат. Т.: 2009 – 213 бет.

⁴Очилов М, Очилова Н. Ўқитувчи одоби. Т.: Ўқитувчи. 1997-6 бет.

⁵ Холиков А. Педагогик маҳорат. Т.: Иқтисод-молия. 2010-24 б.

⁶ Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчида касбий маданий муносабатларнинг шакллантириш тизими. Т.: Фан.2005-10б.

⁷Боймуродов Г. Педагогик касбга тайёргарлик самараси. Узлуксиз таълим журнали. 3-сон-42 бет.

- Касбга йўналтирилган ўқитиш технологияси (Н.Саидахмедов, Р. Эшмухамедов, С.Бозорова, О.Ҳайдарова)
- Касбий маданият (Н.Эгамбердиева, Б.Рахимов, Ш.Шодмонова)
- Касбий маҳорат ва лойиҳалаштириш (Р.Х.Джўраев, С.Т.Турғунов)
- Касбий тажриба, касбий тарбия, касбий фаолият соҳаси, касбий функция каби касб соҳасидаги, мазмун ва моҳият ҳамда унга қоида таъриф берган тушунчаларни мазмуни юқорида номлари кўрсатилган олимлар ижодига мансубдир.⁸

Педагог ва психологларнинг илмий изланишлари асосида бўлажак тарбиячи ва педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиётни ўрни муҳим восита эканлиги аниқланди. Бўлажак тарбиячи ва ўқитувчиларни касбга тайёрлаш муаммолари устида олимлардан: М.Очилов, Н.Азизходжаева, Ш.Шодиев, Ж. Толипова, Н. Муслимов, У.Нишоналиев, И.Турсунов изланишлар олиб борганлар.

Мустақилликдан сўнг бу муаммо Ш.Шодмонова, А.Ахророва, М.О.Ашуров, А.И.Бугиева, А.Е.Мудрик, В.А.Сластенин, Ю.К.Бабинский, Н.Е.Шукурова, Г.Ибрагимова, Э. Юзликбаева кабилар томонидан ўрганилган.

Педагогика фанлари номзоди Х.Абдукаримов ўзининг илмий тадқиқотини бўлажак тарбиячилар танлаган касбига нисбатан ахлоқий муносабатларни шакллантириш муаммосини ҳал этишга қаратган ва бўлажак тарбиячида қуйидаги ахлоқий сифатлар мужассам бўлиши кераклигини таъкидлаган:

- “Болаларни севиши;
- Ўз касбига садоқатли бўлиш;
- Назарий билимларни амалиётга тадбиқ эта олишини;”⁹

Педагогика фанлари доктори Б.Рахимов илмий тадқиқотда касбий маданий муносабатлар тизимини яратиб, уни педагогик амалиётда қўллаш мазмун моҳиятини асослаб берган ва қуйидаги фикрларни билдирган: “Бугунги талабада, айниқса ўқитувчида ҳар иккала муносабатнинг, яъни касбий-маданий муносабатларнинг уйғун ва изчил бўлиши ижтимоий ҳаётнинг эҳтиёжи ҳисобланади”¹⁰

Профессор Н.Муслимов ўзининг докторлик диссертациясида мутахассисларнинг касбий фаолиятини ташкил этиш борасидаги фикрларни бериб, қуйидаги фикрларни баён этади: “Шахсда касбий сифатларнинг мавжудлиги унинг мутахассис сифатида шаклланганлик кўрсаткичи орқали

⁸Педагогика фанидан изоҳли лугат. Т.: 2009-210-211-212-213 бет.

⁹Абдукаримов Х. Профессиональное воспитание личности учителя в процессе непрерывного педагогического образования. Автореферат. Т.: 1998.-34 б.

¹⁰ Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчида касбий-маданий муносабатларни шакллантириш тизими. Т.: Фан. -2005 146бет

ифодаланади. ... Мутахассиснинг касбий фаолиятини ташкил этиш жараёни маълум босқичларда кетма-кетликда амалга оширилади”.¹¹

М.Махкамова ўзининг номзодлик диссертациясида педагогик амалиёт мазмунига алоҳида эътибор берган. “Педагогик амалиёт жараёнида талабалар халқимизнинг миллий-маънавий меросидан, улуг сиймоларнинг муомала одобини шакллантиришга доир таълимотларидан ва илғор замонавий тажрибалардан фойдаланишлари муҳимдир”.¹²

Педагогика фанлари номзоди С.Бозорова “Олий таълимда касбий-йўналтирилган ўқитиш технологияси” монографиясида касбий-йўналтирилган ўқитиш технологиясига қуйидагича таъриф беради: “Таълим олувчиларда уларнинг бўлажак касбий фаолияти учун муҳим шахсий сифатларни, шунингдек, вазифаси бўйича функционал мажбуриятларни бажаришни таъминлайдиган кўникма ва малакаларни шакллантирадиган технология тушунилади”.¹³

Юқорида кўрсатилган илмий-методик тадқиқот йўналишлари бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш мазмунига ҳам боғлиқ. Мактабгача таълим йўналишидаги педагогик амалиётни ташкил этишда қуйидаги вазифаларни хал этиш муҳимдир.

- Тарбиячилик касбига давлат томонидан қўйилган меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиш.
- Педагогик амалиётни ўтказадиган мактабгача таълим муассасалари.
- Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг умумий ривожланишини кузатиш ва ўрганиш.

Педагогик амалиёт олий таълим дидактикасини амалиётда қўллаш, синаб кўриш ва самарадорлик кўрсаткичларини ўрганишга хизмат қиладиган таълим шаклларида биридир. Бўлажак тарбиячи ўқитувчиларни баркамол авлодни тарбиясига лаёқатли касб эгаси қилиб шакллантиришда олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз, малакавий педагогик амалиёт муҳим касбий фаолиятни мустахкамловчи ўқув тарбия жараёни ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида қабул қилинган Низоми 4 та асосий бўлимдан иборат:

1. Умумий қондалар.
2. Амалиётни ташкил қилиш ва унга раҳбарлик.
3. Амалиёт натижаларини яқунлаш.
4. Моддий таъминот.

¹¹ Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед. фан док. Дисс. афтореферат. Т.: 2007. 132 бет

¹² Махкамова М. Қадрият ва тарбия. Илмий тўшам. Т.: 1992. 15 бет.

¹³ Бозорова С. Олий таълимда касбий-йўналтирилган ўқитиш технологияси. Монография. Т.: 70 бет.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақидаги Низомининг бош мақсади:

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида юксак назарий билимга, ижодий ва амалий фаолиятга эга бўлган тарбиячилик касбини эгалловчи мутахасисларни тайёрлашдан иборат.

Шунингдек, Низомда ҳар бир амалиёт жараёнининг мақсади, муддати, ДТС, ўқув режа ва амалиёт дастурлари ҳозирги замон талабларига мос равишда кўрсатиб берилган..

Айниқса Низомнинг 2 бўлими 5-бандида:

- “Амалиёт раҳбари тажрибали профессор, доцент ва ўқитувчилардан тайёрланиши.
- Фан ва техникани янги ютуқлари, инновацион усулларни қўллашда шарт-шароит яратиш¹⁴ кабилар белгилаб қўйилган.

Низомнинг 3-4 бўлимларида педагогик амалиётни ташкил этиш ва унга қўйиладиган талаблар тартибли баён этилган. Низомда белгиланган қоида ва методик кўрсатмалар амалиётни самарали ташкил этиш имконини яратади.

Мавзу юзасидан ўрганиб таҳлил этилган меъёрий ҳужжатларда амалиётни ташкил қилиш қоидалари, дастури ва уни бажаришдаги талаб белгилаб қўйилган, турли фанлар бўйича дарс берувчи ўқитувчиларнинг касбий фаолиятига боғлиқ илмий-методик кўрсатмалар берилган, бироқ, мактабгача таълим муассаларида фаолият юритаётган тарбиячи мутахасисларнинг тайёргарлик даражасига эътибор қаратилмаган.

**Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашни
такомиллаштиришда педагогик амалиётни ташкил қилиш
технологиясининг самарали омиллари.**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да педагогик кадрлар тайёрлаш тизими ишини тубдан янгилаш вазифаси қўйилган бўлиб, унда: “Педагоглар ўзларининг касб-кор кўникмалари ва муаллимлик маҳоратларини доимо такомиллаштириб боришлари лозим”¹⁵ дейилади. Ўзбекистон Республикаси “Мактабгача таълим Концепцияси” ва Низомда ҳам педагог ходимлар тайёрлашга катта эътибор қаратилиб, мактабгача таълим бўйича янгича фикрлай оладиган, халқ педагогикасининг улкан тажрибаси, миллий анъана, кадриятларни, халқ ижодиётининг бой меросларидан бола тарбиясида қўллай оладиган ходимлар тайёрлаш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Бу масалалар мактабгача таълим муассаларида таълимий ва тарбиявий ишларни ранг-баранг,

¹⁴Олий таълим меъёрий ҳужжати ва услубий ҳужжатлар тўплами. Т.: 2004-226 бет.

¹⁵ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тош. 1998й.

янгича йўналишда ташкил этилишини такозо этади. Педагогика олий ўқув юртларида ўтказиладиган малакавий педагогик амалиёти якуний таълим тизимининг энг мухим босқичи хисобланади. Олий таълим фаолиятининг асосий принципи бўлган ўқишни ишлаб-чиқариш амалиёти билан қўшиб олиб борилиши, олинган назарий билимларни амалда қўллаб олишнинг қулай имконини яратади.

Малакавий педагогик амалиёт даврида талабалар ижтимоий-сиёсий, педагогика, рухшунослик ва махсус методика фанларидан ўзлаштирган билимларига мувофиқ, мактабгача таълим муассаларида педагогик кўникма ва малакаларни эгаллаб борадилар ва айни вақтда ўзларининг педагогик лаёқатлари ҳамда қобилиятларини синовдан ўтказадилар.

Педагогик амалиётнинг мослашув даврида бўлажак тарбиячиларда:

- мактабгача таълим муассаларида таълим тарбиявий ишларни режалаштириш ва ўтказиш;
- мактабгача ёшдаги болалар ва уларнинг ота-оналари билан бола тарбиясидаги муаммоли масалаларни ҳал этиш;
- мактабгача таълим муасасаси ишини ҳар томонлама ўрганиши ва таҳлил қила олиш малакалари шаклланади.

Малакавий амалиётнинг йўналиши ва мазмунни ўқув режасига мувофиқ мураккаблашиб, такомиллашиб боради. Тадқиқот жараёнида ўрганган амалдаги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган режага мувофиқ узлуксиз малакавий амалиётлар мактабгача таълим йўналиши бўйича 1 босқичнинг 2-семестрида, 2-босқичнинг 3-4-семестрида ва 3-курснинг 5-6 семестрларида мактабгача таълим муасасаларида ўтказилади.

Педагогик амалиёт мақсад ва вазифаларига кўра узлуксиз ва малакавий педагогик амалиётга бўлинади. Амалиёт жараёни қуйдаги кўринишда ташкил этилади :

1) мактабгача таълим муасасаларида ўтказиладиган педагогик амалиёт – бунда таълим -тарбия жараёнларини ва бошқа фаолият турларини мустақил ташкил эта олиш, болалар ва ота-оналар билан ишлай олиш малакалари шаклланади, малакавий битирув иши билан боғланган тадқиқот – тажриба ишларини ўтказишга оид назарий ва амалий билимлар мустаҳкамланади, педагогик билимларини чуқурлаштириш ва педагогик қобилиятларини янада такомиллаштириш масалалари ҳал этилади.

2) мактабгача таълимни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш, халқ таълими олдидан турган асосий вазифаларни халқ таълими бўлимлари ва мактабгача таълим муасасаси ишларида ижобий қўллаб олиш бўйича билим, малакаларга эга бўладилар. Халқ таълими назоратчиси, методисти, мактабгача таълим муасасаси мудираси, услубчиси иши билан яқиндан танишиши,

методик ишларни мустақил ташкил эта олиш, мактабгача таълим муассасасини ялпи ва танланган мавзу бўйича текшириш ишлари амалга оширилади.

3) педагогик амалиёт давомида ҳар бир талаба ўзи танланган касбига муносабати, педагогик фаолиятга қизиқиш, шу соҳадаги тайёргарлик даражаси шаклланади.

Малакавий педагогик амалиёт-илғор иш тажрибаларини ўрганиш маскани, маҳорат мактаби ҳисобланади.

Мактабгача таълим соҳасини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бўлажак тарбиячиларга дастлаб ўз касбини ижтимоий моҳиятини тушунтириш муҳимдир. Х.Абдукаримов бу ҳолатни қуйидагича баҳолайди, “Бугун ҳамма тарбиячи, тўғри она - биринчи тарбиячи, оила-тарбиячи, қўшнилар, маҳалла, богча, мактаб, олий мактаб, жамоатчилик тарбиячиси. Буюк мақсадлар йўлида тузаётган ҳуқуқий фуқаролик жамиятида тарбиячилик касби зарур ва долзарбдир”.¹⁶ (.....8 бет).

Мактабгача таълим муассасаларида ўтказиладиган педагогик амалиётнинг мақсади: Талабаларни мактабгача таълим муассасаси ҳаёти, ундаги таълим – тарбиявий ва педагогик жараёнлар билан яқиндан таништириш. Ҳозирги замон мактабгача таълим муассасалари олдига қўйилган долзарб вазифаларни ўрганиб, уларга амал қилиш.

Амалиётнинг асосий вазифалари:

- Мактабгача ёшдаги болаларни ривожланиши ва тарбияси билан боғлиқ бўлган жараёнларни ўрганиш, кузатиш ва таҳлил қилиш.
- Мактабгача таълим тизимига алоқадор бўлган Халқ таълими бошқармаси, Республика мактабгача таълим муассасалари ходимларининг Малака ошириш маркази ва ўйинчоқлар кўрғазмаси билан яқиндан таништириш.
- Мактабгача педагогика, болалар физиологияси фанлардан олган назарий билимларга таянган ҳолда таълим-тарбия ишларини олиб боришни ўрганиш.
- Болаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам берувчи услубиятлардан фойдаланган ҳолда талабаларни турли педагогик жараёнларни ўтказишга тайёрлаш.
- Талабаларни мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси иш фаолиятини кузата олиш, тарбиячи вазифасида ишлай олиш, болалар жамоаси ва яқка тартибда тарбиявий ишларни олиб боришга ўргатиш.

Педагогик-психологик ва методик адабиётларни таҳлил қилиб кўрилганда, бўлажак тарбиячи-ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари юзасидан яратилган ўқув қўлланмада: дастлаб педагогик амалиёт

¹⁶ Абдукаримов Х. Тарбиячи ва тарбиячилик касбининг ижтимоий моҳияти. Т.: Халқ таълими. -8 бет.

моделли берилган бўлиб унда педагогик амалиёт боскичлари асосланган ва педагогик амалиётни ташкил этиш мезонлари берилган.”¹⁷

Бунга кўра педагогик амалиётни ташкил қилиш мезонлари қуйидагича:

- “Педагогик амалиётни тарбияловчи характери.
- Педагогик амалиётни ривожлантирувчи характери
- Педагогик амалиётни мустахкамлаш ва ривожлантириш.”¹⁸

Мазкур қўлланмада амалиёт жараёнининг дидактик ва методик асослари, мақсад вазифалари белгиланган бўлиб, булар бўлажак тарбиячи ва ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга қаратилган. Шунингдек, қўлланмада берилган ғоялар, қоида ва талаблар педагогика олийгоҳларининг барча факультетлари учун мослаштирилган. Мазкур қўлланма тадқиқот муаммосини ёритишда ўзига хос ўринга эга. Бироқ, мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, бу борада бартараф этилиши лозим бўлган камчиликларга эътибор қаратилиши муҳимдир:

1. Мактабгача таълим муассасаларида педагогик амалиётни ёритувчи ўқув қўлланмаларни яратилмаганлиги.
2. Тарбияланувчиларнинг ота-оналари ва тарбиячилар жамоасининг ўзаро ҳамкорлиги талаб даражасида эмаслиги ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга эътибор қаратилмаслиги.
3. Тарбияланувчиларни мактабга тайёрлаш жараёни такомиллашмаганлиги.
4. Тарбиячилар томонидан мавжуд конфликтли масалаларни ҳал этиш масаласига психологик-педагогик ёндашувни такомиллашмаганлиги.
5. Амалиёт жараёнида талабаларни мустақил таълим олиш, кузатиш ва касбий фаолиятга ижодий ёндашишга тайёрлашдаги камчиликларни мавжудлиги.

Мактабгача таълимни модернизациялаш муаммосини ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасида жуда катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу соҳада яратилган мактабгача таълим муассаси “Концепцияси” нинг бош мақсади мактабгача таълим жараёнини ҳар томонлама такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишдан иборат. МТМ “Концепцияси” V бўлимдан иборат бўлиб, унда таълим- тарбия мақсади, вазифалари, тамойллари, шакл, восита ва методларига алоҳида эътибор қаратилган. Концепцияда мактабгача таълим олдида қўйилган вазифаларни амалга оширишда тарбиячи меҳнати, педагогик касбини эгаси бўлишига алоҳида эътибор берилган. Мактабгача таълим муассаси тарбиячиси меҳнатининг ижтимоий аҳамияти ва

¹⁷ Хасанова Б. ХолдоровБ. Пўлатова П. Юлдашева М. Талабаларни малакавий амалиётини ташкил қилишда, назорат этиш ва баҳолаш методикаси. Т.: 2008. 7 бет.

¹⁸Ўша манба. 13-14 бет.

самарадорлиги унинг касбий тайёргарлик даражасига боғлиқ. Бу жараён касбий тайёргарликка дифференциал ёндошув тамойилига асосланади.¹⁹

Мактабгача таълим ёшидаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари “Таълим тўғриси”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари аниқ, бир ёшдаги боланинг ривожланиш стандартларини ва боланинг ютуқлари ва ривожланиш даражасини баҳолаш имкониятини берувчи индикаторларни белгилайди. Ушбу ҳужжат, биринчи навбатда, оилаларда боланинг тўлақонли ривожланиши, таълим-тарбияни тўғри ташкил этиш орқали уни мактабда таълим олишга самарали тайёрлашга ёрдам беришни назарда тутди.

“Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбияга қўйиладиган Давлат талаблари”нинг мақсади мактабгача таълимнинг мазмунини белгилайди ва мулк шаклларида қатъий назар, мактабгача таълим муассаларининг болаликнинг кадр-қимматини сақлаб қолган ҳолда барча болаларнинг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳар бир боланинг индивидуал ривожланишини тадбиқ этишга йўналтирилган.

Давлат талабларини ишлаб чиқиш асосида бола шахси ривожланишининг йўналишлари (жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена; ижтимоий-ҳиссий ривожланиш, нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик; билиш жараёни, атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш) белгиланган. Бу йўналишлар бўлимларга бўлиниб, биргаликда бола ривожланишининг яхлитлигини ташкил этади.

“Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйилган Давлат талаблари”нинг вазифалари:

- Кичик ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришда ҳар томонлама ёндошувни таъминлаш;
- Мактабгача таълим методикасини яхшилаш;
- Кичик ёшдаги болаларда таълим-тарбия бериш ўқув дастурини яратиш;
- Мактабгача таълим муассалари педагоглари малакасини ошириш (педагог кадрларни ўқитиш ўқув режалари);
- Мактабгача таълим мониторинги ва таҳлилини олиб бориш;

Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талабларида мактабгача ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятлари ёш гуруҳлар бўйича тафаккур, нутқ, ихтиёрий билиш жараёни, жисмоний ҳис

¹⁹Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим Концепцияси. Тузувчилар: Ф.З.Кодировалар Тош. 2008. 6 бет.

этиш, билиш объекти, билиш усули, мувафакиятли ўзлаштириш шартлари, мулоқот шакллари каби кўрсаткичлар орқали берилган

Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясида қўйиладиган Давлат талаблари қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиб, булар: талаб, индикатор, таълимда ёндашув ва ҳаёт хавфсизлиги:

Талаб - аниқ ёш даврида болалар билиши ва бажара олиши шарт бўлган талаблар мажмуи.

Индикатор - боланинг кўз билан кўрса ва ўлчанса бўладиган кўникма ва малакалари кўрсаткичи. Ҳар бир таркибга кирувчи бу компонент, мазкур талабни эгаллаши учун бола нималар қилишни билиши кераклигини кўрсатади. Ҳар бир талаб бир неча кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Таълимда ёндашув - катталарнинг болалар билан таълим жараёнини тезлаштириш ва талабни эгаллашга йўналтириш мақсадида, уй ёки мактабгача таълим муассасида амалга оширадиган фаолият турлари. Ушбу чора тадбирлар мазкур талабни ўзлаштириш ва бажаришга йўналтириб, аксарият ҳолларда таълим олиш жараёнига кизиштириш учун катталар ва болаларнинг биргаликдаги ҳаракатлари бўлиши лозим.

Ўзбекистон мактабгача таълим муассасаси Концепциясининг мазмун ва моҳиятини амалга ошириш мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларида белгиланган. Мактабгача таълим муассасаси Концепция²⁰си ва Давлат талаблари асосида “Болажон” таянч дастурининг янги авлоди яратилди.

Мактабгача таълим муассасаларида 1998 йил қабул қилинган “Учинчи минг йиллик боласи” таянч дастури асосида фаолият олиб борилган бўлиб, “Учинчи минг йиллик боласи” таянч дастури, “Таълим тўғрисида”ги Қонун асосида яратилди ва унинг бош мақсади этиб баркамол шахс тарбияси белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг таълим-тарбия соҳасида олиб борган ислохотлари мактабгача таълим муассасалари фаолиятини модернизациялаш ва таълим-тарбия ишларини самарадорлигини оширишга янги қараш ва муносабатни шакллантиришга қаратилди ва бу вазифани амалга ошириш тамойилларини белгилаб берувчи янги, такомиллашган “Болажон” таянч дастури яратилди.

“Болажон” таянч дастури 2010 йил Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги томонидан тасдиқланган. Ушбу дастур “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” асосида ишлаб чиқилган.

²⁰Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим Концепцияси. (Тузувчилар: Қодирова Ф. Қодирова З. Ваҳобова Ф.) Т.: 2010.

Дастурда илк ёшдан 6-7 ёшгача бўлган болаларнинг жисмоний, ижтимоий-ҳиссий, нутқ, ўқиш ва саводга тайёрлаш, ақлий ривожлантиришга қаратилган педагогик вазифалар белгиланган бўлиб, шу асосида ҳар бир ёш гуруҳ болалари ўқув йили охирига келиб эгаллашлари лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларнинг зарурий ҳажми берилган.

Дастурнинг мақсади: “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари”нинг бажаришга эришган, яъни, жисмонан соғлом, ақлан ва маънан етуқ, жамиятнинг турли аъзолари билан мулоқотда бўла оладиган, борлиқни аниқ идрок этадиган, мустақил ва онгли яшайдиган болаларни тарбиялашдан иборат.

Дастурнинг вазифаси: болаларни жисмоний, ақлий ҳамда ижтимоий-ҳиссий жиҳатдан камол топтириш ва уларни соғлиғини муҳофаза қилиш; болаларнинг эркин фикрлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ахлокий ва маънавий жиҳатдан баркамол, шунингдек, келажакда мустақил ва онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Дастур мазмунан қуйидаги тамойилларга таянади:

- Мактабгача таълимнинг давлат ва жамият талабларига мослиги;
- Бола шахсига йўналтирилганлиги;
- Болаларнинг соғломлаштиришга қаратилганлиги;
- Боланинг қобилияти, эҳтиёжи, имкониятига мослиги;
- Мактабгача таълимда фаолиятининг етакчилиги;
- Мактабгача таълимнинг инсонпарварлиги;
- Мактабгача таълимнинг ижтимоий турмуш билан мослиги;
- Мактабгача таълимнинг оила ва бошланғич таълим билан узвийлиги.

Мактабгача таълим муассасаси дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали ҳар бир болада қуйидаги сифатларни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйиши лозим:

- Ижодкорлик, тасаввур, зукколик;
 - Мустақил фикрлаш лаёқатига эга бўлиш;
 - Муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўлларини топиш;
 - Жамият, мамлакатлар, атроф-муҳит муаммоларига бефарқ қарамаслик;
- “Болажон” таянч дастурида болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш қуйидаги омилларга асосланади:

- Давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш ва унинг баркамол шахсга бўлган муносабатининг кучайганлиги;
- Эркин фуқаро маънавиятининг шаклланаётганилиги;

- Миллий урф-одатлар ва тарихий хотира, ўзликни англаш туйғусини шаклланаётганлиги;
- Миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шаклланаётганлиги.

Айнан шу омиллар бола шахсининг жисмоний ривожланиши, ўз-ўзига хизмат ва гигиена, ижтимоий-ҳиссий ривожланиши, нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлиги, билиш жараёни, атроф-муҳит тўғрисидаги билимга эга бўлиши ва уни англаши каби йўналишларига мос тарзда умумий ривожланишни таъминлайди.

Ушбу дастурда болаларни ривожлантириш даври шартли равишда қуйидаги боскичларга бўлинади:


- Гудаклик (1 ёшгача);
- Илк ёш (1-3 ёш);
- Кичик ёш (3-4 ёш);
- Ўрта ёш (4-5 ёш);
- Катта ёш (5-6 ёш);
- Мактабга тайёрлов даври (6-7 ёш);

Мазмун жиҳатдан дастур таркибига:

- Болаларнинг жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена;
- Болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;
- Болаларни нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлиги;
- Болаларнинг билиш жараёни, атроф-олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни аниқлаш;
- Болаларда тасвирий фаолиятни ривожлантириш;
- Болаларнинг мусиқий фаолиятини ривожлантириш;
- Болаларда ўйин фаолиятини ривожлантириш йўналтиришда таълим тарбия вазибаларни келтирилган.

Бўлажак тарбиячини касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиёт мазмунининг юкоридаги давлат ҳужжатлари асосида ташкил қилиш, талабаларга бериладиган умумий назарий билимлар билан методика фанларни интеграция асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунда қуйидаги сифатларни бўлажак тарбиячида шаклланганлигига эътибор қаратиш лозим.

1. Тарбиячилик касбини ихтиёрий танлагани;
2. Тарбиячилик касбини эгаллашга доир бериладиган билимларни ўрганишга эътикод билан қараш;
3. Ҳар бир методик фанларни ўзлаштиришда амалий машғулотларни қузатиш, адабиётларни таҳлил қилишдаги масъуллиги.



4. Талабанинг ўз касбий фаолияти ва имкониятларини баҳолай олиши, ўзининг кучли ва кучсиз томонларига баҳо бериши.

Мактабгача таълим муассасаси Концепцияси, Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйилган Давлат талаблари ва “Болажон” таянч дастури мазмун-моҳиятинини ёритишда педагогик олий таълим муассасаларида ўтиладиган “Мактабгача таълим педагогикаси”, “Мактабгача таълим таракқиети” ва бир туркум методик фанларнинг роли бекиёсдир. Бу фанларни ўқитишда таълим жараёнини ташкил этишнинг янгича методларидан фойдаланиш, янги педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўқув машғулотларини ташкил этиш бўлажак тарбиячиларда амалиёт жараёнини тўлиқ тасаввур этишларига имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, тарбиячиларнинг малакасини ошириш, маънан ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган ҳамда мактабгача таълим муассасаларини модернизациялаш мақсадида яратилган мактабгача таълим муассасаларининг Концепцияси, Давлат талаблари, “Болажон” таянч дастурлари, ДТС ва ўқув-методик адабиётлар таҳлили, тарбиячи ва талабалар билан олиб борилган анкета сўровлари натижасига кўра, ҳалигача айрим мактабгача таълим соҳасига оид фанлар таркибида бу ҳужжатларга етарли эътибор берилмаслиги аниқланди.

Юқоридаги муаммо юзасидан тадқиқот объекти бўлган олий таълим муассасалари “Мактабгача таълим муассасаси” йўналишлари кафедраларида қўйидаги ишлар амалга оширилди:

- Мактабгача таълим йўналишининг методик фанлари ҳисобланмиш “Нутқ ўстириш методикаси”, “Элементар математик тасаввурлар”, “Табиат билан таништириш методикаси” каби бир катор фанларнинг дастурларини яратишда меъёрий ҳужжатлар асос қилиб олинди.
- Мактабгача таълим йўналиши талабаларига мустақил иш тарикасида қўйидаги топшириқлар берилди:

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим Концепциясини ўрганиш.
2. Мактабгача таълим муассасалари “Учинчи минг йиллик боласи” ҳамда “Болажон” таянч дастурларининг фарқли томонларини таҳлил этиш ва дастурларда тарбиячи касбига қўйилган талабларни изоҳлаш.

Юқорида амалга оширилган вазифа ва топшириқлар бўлажак тарбиячиларнинг ўз касбига нисбатан ҳурмат уйғотиш ҳамда меъёрий ҳужжатлар ҳақидаги билимларини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, кутилган ижобий натижани бермади. Бунга сабаб, талабаларнинг мактабгача таълим муассасалари меъёрий ҳужжатлари ҳақида етарли назарий билимларга эга эмасликлари деб топилди. Бу муаммо нафақат бўлажак тарбиячилар, балки,

мактабгача таълим муассасасида фаолият юритаётган тарбиячиларнинг ҳам муаммоси эканлиги тадқиқот кузатувлари натижасида аниқланди.

Давлатимиз томонидан бўлажак тарбиячиларни салоҳиятини ошириш, педагогик малакаларини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган мактабгача таълим муассасалари меъёрий ҳужжатлари мазмунидан келиб чиқиб, бўлажак тарбиячи касбий фаолиятини амалга оширувчи ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

II БОБ БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ.

Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари.

Олий таълим тизимида бўлажак мутахассисларни касбга тайёрлашни такомиллаштириш педагогика назарияси ва амалиётининг долзарб муаммоларидан саналади. Унинг долзарблиги олий таълим муассасалари битирувчиларини жамиятда содир бўлаётган тезкор ўзгаришлар ва янгиликлар билан тавсифланган янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда ишлаш учун тайёрлаш зарурати билан белгиланади. Шундай экан, бугунги кунда олий таълим муассасаларининг асосий фаолияти талабаларни жамият талаблари шароитда касбий фаолиятга тайёрлашдан иборат бўлиши керак.

Маълумки, анъанавий таълим бўлажак мутахассисларни ўз касбларига қизиқиш уйғотишга қодир эмас эди. Чунки, таълим жараёнида педагог-тарбиячининг яққол ҳукмронлиги кўриниб турарди. Шу сабабли мутахассисларнинг касбий тайёргарлигига ўзгача ёндашув заруряти вужудга келди. Талабаларнинг мавқеларини ўзгартириш, танлаган мутахассисликларини севиш, уни ардоқлаш учун улар билан субъект-субъект тарзида ҳамкорликка киришиш лозим эди. Бир сўз билан айтганда, жамиятда ҳар томонлама баркамол ёшларни шакллантириш ва ривожлантиришга эҳтиёж туғилди. Шундай экан, “Мақтабгача таълим” йўналишидаги талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашда таълим-тарбия жараёни етакчи ўрин тутди. Бугунги кунда Республика таълим тизимида мақтабгача таълим бўйича бўлажак тарбиячиларни тайёрлашда талабаларнинг ички эҳтиёжи ва қизиқишлари, маълумот даражаси, мутахассислик фанларининг ўзига хос хусусиятлари инobatга олинган ҳолда амалга оширилади.

Талабаларни I-босқичдан босқичдан бошлаб педагогик амалиётдаги иштироклари, ўқув ва ижтимоий фаолликларини тадқиқот доирасида таҳлил этиш орқали, уларнинг бир қанча муаммоларга дуч келишлари аниқланди:

- Мақтабгача ёшдаги болаларга индивидуал ёндашув орқали уларнинг шахсий, ёш хусусиятларини яхши билмасликлари.
- Тарбияланувчилар билан дуч келадиган зиддиятларни бартараф қила олмасликлари.
- Мақтабгача ёшдаги болалар жамоасини бошқарувини билмасликлари.
- Мақтабгача таълим ёшидаги болалар билан ишлаш методикасига эга эмасликлари.

- “Мактабгача таълим” ўқув-тарбиясига оид йўналишларни интеграциялаштирилмаганлиги. билимларнинг ўзаро мувофиқлаштирилмаганлиги.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этишда кўшимча равишда “Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш” дастури ишлаб чиқилди.

Дастурнинг асосий мақсади: бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга кизикишини ошириш, бурч ва масъулиятни хис этишин шакллантириш:

- Бўлажак тарбиячининг касбий фаолиятга тайёрлаш мазмуни;
- Танлаган касбига муносабати;
- Касбий фаолият жараёнида ижтимоий ва миллий кадриятларга таяниш;
- Мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш;
- Ота-оналар билан ҳамкорликни ўрнатиш.

“Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш дастури”ни амалга оширишда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- олий Педагогика университет ва институтларга қабул қилган талабаларни танлаган касбига муносабатини аниқлаш.
- ўқув жараёнида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда меъёрий ҳужжат ва ДТСларнинг имкониятлари.
- талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиёт тизимини мақбуллиги.
- амалиёт ўтказувчи мактабгача таълим муассасаларининг талабалар амалиётини ўтказишдаги шарт-шароитлар.
- педагогик амалиёт мазмунининг ахборот технологиялари билан уйғунлиги.

Юқорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, аниқловчи тажриба синов объекти сифатида Жиззах ДПИ мактабгача таълим йўналишидаги 1-курс талабаларидан 44 нафар, Андижон ДУ мактабгача таълим йўналиши бўйича 1-курс талабаларидан 44 нафар, Наманган ДУ мактабгача таълим йўналиши бўйича 1-курс талабаларидан 50 нафар респондентлар танланди ва уларнинг ўз танлаган касбига бўлган муносабатини аниқлашга оид қуйидаги анкета сўровномалар билан мурожат қилинди:

1. Тарбиячилик касбини ихтиёрий танладингизми?
2. Мазкур касбни танлашингизда идеал тарбиячиларингизни таъсири бўлганми?
3. Бу касбни ота-онангизнинг маслаҳати билан танладингизми?
4. Болаларни севасизми?
5. Касбий фаолиятингизни муваффақиятли бажаришда ўз кучингизга ишонасизми?

Биринчи курс талабаларини касб танлашга бўлган муносабатларини аниқлашда 138 та респондент талаба жалб этилди ва қуйидаги натижага эга бўлди.

| № | ЖДПИ 44 та | Андижон ДУ 44 та | Наманган ДУ 50 та |
|----|---------------|------------------|-------------------|
| 1. | 84 % | 80 % | 75 % |
| 2. | 18 % | 21 % | 28 % |
| 3 | 44 % | 55 % | 80 % |
| 4 | 42% | 50% | 70% |
| 5 | 44% | 25% | 32% |

Юқоридаги таҳлил 1-курс талабаларининг 80% ота-оналарининг кўрсатмалари балан тарбиячилик касбини танлаганликларини, танлаган касбларининг мазмун моҳиятини чуқур англамасликлари ҳамда касбий фаолиятни бажаришдаги масъулиятни тўлиқ хис этмасликларини кўрсатди. Бундай ҳолат қуйидаги вазифаларни белгиланишига асос бўлди:

- 1-босқич талабаларининг касбий фаолиятга бўлган муносабатларини тўғри режалаштириш;
- тарбиячилик касбий фаолият мазмунини тўғри таҳлил этиш;
- талабаларга касбий бурч ва масъулият моҳиятини англатиш
- ахборот технологиялардан фойдаланиш малакасига эга бўлиш.

Мактабгача таълим йўналишидаги ДТСларни мазмунини ўрганиш ва таҳлил этиш орқали ушбу ҳужжатнинг талабаларни тарбиячилик фаолиятига йўналтириш имкониятлари ўрганилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги тасдиқлаган ўқув режаси асосида 4 босқичдан иборат амалиётни ташкил қилиш дастури яратилган. 1-2-3-босқич талабаларининг педагогик амалиётини ташкил этишнинг олий таълим муассасаси “Мактабгача таълим йўналиши”и учун тузилган дастури узлуксиз педагогик амалиёт жараёнида талабаларни касбий фаолиятни кенг тасаввур қилиш, ҳамда малакавий амалиётда касбий сифатларни танланганлигини намойиш қилиш имкониятини яратади.

Педагог олима Ш.Тошпўлатова томонидан “Мактабгача таълим” йўналиш учун ишлаб чиқилган педагогик малакавий амалиёт дастурида асосий эътибор: амалиётнинг мақсад ва вазифаларини ёритишга, талаба ва амалиёт раҳбарларининг амалиёт жараёнидаги вазифаларини белгилашга, амалиёт ҳужжатлари (талабалар ҳақида умумий маълумот, шахсий режа, ҳисобот)ни тўғри расмийлаштиришга қаратилган.²¹ Шу билан бирга

²¹ Тошпўлатова Ш. Малакавий амалиёт ишчи дастури(1-2-3-4- курслар учун) Т.: 2009. 28 бет.

талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда меъёрий ҳужжатларнинг ўрни ва амалиёт жараёнини ташкил этишда улардан фойдаланиш тартиби ҳақида кўрсатмалар берилган. Дастурда амалиёт босқичлари куйидаги кетма-кетликда белгиланган.

1. Кафедра номи. Амалиёт раҳбарининг исми, фамилияси, мактабгача таълим муассасасининг номи, рақами.
2. Талабалар сони, педагогик амалиётдан ўтган талабалар сони, (рўйхати ва сабаби аниқ кўрсатилади).
3. Амалиёт ўтказиладиган мактабгача таълим муассасасини амалиётга тайёргарлик даражаси, ўқув тарбиявий ишларнинг умумий аҳволи (моддий техника таъминоти, педагогик ходимлар таркиби).
4. Амалиёт раҳбари томонидан мактабгача таълим муассасасини талабалар амалиётини ўтказишга тайёргарлик даражаси.
5. Амалиётни 1-2-босқичларни сифатли ўтказишга факультет ва кафедра аъзолари томонидан кўрсатилган амалий ёрдам ва тадбирлар.
6. Талабаларнинг педагогик амалиётга тайёргарлиги, унинг “Болажон” таянч дастури ва ихтисослик фанларни билиш даражаси, таълим-тарбиявий жараёнларни ташкил этиш ва ўтказишдаги билим ва кўникма ва малакаси.
7. Талаба-амалиётчи томонидан ўтказиладиган машгулот, тарбиявий-методик ишларни қисқача тавсифи, жиҳозланганлиги, дастур талабларига мос келиши, илмий-педагогик даражаси, замон талабларига мос келиши, мақсадга эришишдаги самарадорлиги.
8. Машгулот ёки тадбирларни ўтказишда талабалар учраши мумкин бўлган қийинчиликлар (ўқув материалларини пухта ўзлаштирмаганлиги, педагогик ва методик жиҳатдан тайёрмаслиги...).
9. Психология, гигиена кафедралари томонидан олиб борилган ёрдам ва раҳбарлик иши юзасидан қисқача маълумат.
10. Ўтказилган таълимий, тарбиявий ишлар, мавзули кечалар ва унда ўқилган маърузалар мавзунинг рўйхати(аниқ кўрсатилиши керак).

Шунингдек, дастурда шахсий режанинг намунавий жадвали ва кундалик дафтарини расмийлаштириш борасида ҳам кўрсатмалар берилган.

Шахсий режанинг тахминий жадвали

Талабанинг исми, фамилияси.

Курси

Амалиёт раҳбарининг исми, фамилияси

муддати

Тасдиқлайман

Имзо

“ ” 201 й.

| № | Режалаштирилган ишлар мазмуни | Муддати | Бажарилганлиги ҳақида маълумот. |
|----|---|-----------|---------------------------------|
| 1. | Мактабгача таълим муассаси билан танишиш. | 2011-2012 | |
| 2. | Гуруҳдаги таълим-тарбиявий ишларни кузатиш, ўрганиш | 2011-2012 | |

Кундалик дафтарнинг тахминий жадвали.

1-саҳифа- таълим муассасаси номи- амалиёт раҳбарининг тасдиғи.

2-саҳифа-Мактабгача таълим муассасаси раҳбари тасдиғи.

| Сана | Бажариладиган ишлар мазмуни. | Тури | Таклиф ва мулоҳаза |
|------|--------------------------------|------|--------------------|
| | Фикрлар қисқа ва аниқ ёзилади. | | |

Тадқиқот доираси ўрганилган педагогик амалиёт дастурларининг муваффақиятли томони ҳар бир йўналиш бўйича топшириқлар тизимининг берилганлигидадир. Бироқ, ушбу дастурларда бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммоси етарлича ҳал этилмаганлиги аниқланди.

- Дастурда махсус методикалардан берилган топшириқларда ҳозирги дидактикадан фойдаланиш масалалари киритилмаган (модуллаштириш, муаммоли вазият, интерфаол усуллардан фойдаланиш).
- Дастурда талабалар расмийлаштириши лозим бўлган ҳужжатларни қисқартириш лозим;
- Дастурда “Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш” методик тавсияларидан фойдаланилмаган;
- Ўқув режада “Тарбиячи мутахассисликка кириш” фани бўлмаганлиги сабабли, дастурда “тарбиячи шахси” борасида маълумот берилмаган.

Дастурлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этишда “Мактабгача таълим” йўналиши борасида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш самарали натижа беришига асосланиб қуйидаги илмий изланишлар таҳлил этилди.

Педагог олима М.Ю.Маҳкамова “Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш” мавзусидаги номзодлик диссертациясида талабаларни педагогик амалиёт жараёнида касбий мулоқотини шакллантириш масаласини тадқиқ этиб, педагогик амалиёт мазмуни такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозимлигини айтиб ўтади:

- “Малакавий амалиётнинг мақсади ижтимоий мақсадга йўналтирилган бўлиши;
- Педагогик амалиётга чиқишдан олдин талабаларнинг олган назарий билимларини амалий машғулотлар орқали мактабгача таълим муассасаси фаолияти билан уйғунлаштириш;
- Малакавий амалиётни ҳар бир босқичини амалга оширишда талабаларни замонавий технология ва дидактика олдига қўйилган талаблар билан қуроллантириш;”²²(.....16-17).

“Бунинг учун ҳар бир ўқитиладиган фандан машғулот лойиҳасини тартиблаш орқали мажмуа тайёрлаш, мажмуани таркибида лойиҳага қўшилган, маърузага дахлдор бўлган ахборотлар, тарқатма материаллар, методик ишланмалар, манбалар ва фойдаланиш усулларини тўғри танлаш муҳимдир. Бундай ҳолат талабаларни касбий амалиётга тайёргарлик имкониятини яратади.”²³

Тадқиқотчи Г.Ибрагимова ўз тадқиқотида талабаларни малакавий амалиётга тайёрлашда интерактив усуллар билан ёндашувнинг аҳамиятини очиб бериб, “интерфаол усуллардан бири бўлган тренинг барча мутахассислик фанларни ўқитишда гуруҳда бўладиган турли вазиятларни ҳал қилишга хизмат қилади. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрловчи педагогик амалиётга тайёрлашни тартибли олиб бориш, талабаларга боғчадаги айрим муаммоларни ечиш, ўз устида мустақил ишлаш ҳамда илғор тарбиячиларнинг фаолиятини ўрганиши талабаларга кўникма ва малакаларини шакллантиради.”²⁴ - деган фикрларни беради.

Олий таълимнинг “Мактабгача таълим йўналишида”ги педагогик амалиёт дастурлари, бу борада олиб борилган илмий изланишлар ҳамда яратилган адабиёт ва ўқув қўлланмаларда бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммоси тўлиқ ҳал этилмаган. Жумладан, педагогик амалиёт дастурларида:

- мактабгача таълим муассасаларида таълим тарбия модернизация қилиш натижасида яратилган “Мактабгача таълим “Концепцияси”, “Мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишдаги Давлат талаблари”, “Болажон” таянч дастурининг мазмуни ва моҳияти амалиётга оид ўқув қўлланмаларда, дастурларида ўз аксини топмаган.
- Дастурлар ва амалиётга оид ўқув қўлланмаларда касбий фаолиятга оид бирор бўлим ажратилмаган.

²² Махсумова Ю.М. Бўлажак тарбиячиларни педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш. Автореферат. Т.: 2002.-16-17 бет.

²³Рахимов Б. Бўлажак ўқитувчида касбий маданий муносабатларни шакллантириш. Автореферат. Т.: 2003-16 бет.

²⁴ Ибрагимова Г. Узлуксиз таълим жараёнининг такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. Педагогик таълим Т.: 2004. 4-сон 42-43 бет.

- Дастурлар ва амалиётга оид ўқув қўлланмаларда 1-2-3-4- курс амалиётдаги иш фаолияти етарли уйғунлаштирилмаган каби камчиликлар мавжуд..

Асословчи тажриба-синов жараёнида “Мактабгача таълим” йўналиши бўйича 2016-2017, 2017-2018, 2018-2019 йилларда ташкил этилган педагогик амалиёт мазмуни, натижаси, самарали кўрсаткичларини таҳлил этиш натижасида 1-босқич педагогик амалиётида иштирок этган Жиззах ДПИ, Андижон ДУ ва Наманган ДУ лари талабаларининг 138 нафарининг икки ҳафталик амалиёти юзасидан ёзган хисоботлари таҳлил қилинди:
Ҳисоботларда:

1. Талабалар 100% амалиёт улар учун бир ўқув жараёнининг янги соҳасини очиб берганлиги, уларда касбий қизиқиш уйғотганини таъкидлаганлар.
2. Талабаларнинг 80% 2 ҳафта амалиёт ўташ учун муддат етарли эмаслигини билдирганлар.
3. 80% талабалар эса бундай амалиётнинг тизимли ташкил этилиши маъқуллигини билдирганлар.

Ҳар бир бўлажак мутахассис олган назарий билимларини амалиёт жараёнида такомиллаштиради, назарияни амалиётдаги ҳолатини ўрганиб, қиёслайди.

Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришда педагогик амалиётни ташкил қилишга тизимли-технологик ёндошув.

Талабанинг касбий фаолиятга эғалигини аниқлаш билан бирга, улар амалиёт ўтказадиган мактабгача таълим муассасаларининг талабаларни касбий фаолиятини амалиётда қўллашдаги имконияти ва яратилган шарт-шароитлар ҳолати таҳлил қилинганда Республикамиздаги мактабгача таълим муассасаларида турлича шарт-шароит мавжудлиги анқланди. Мактабгача таълим муассасалари методист-тарбиячиларининг талабаларнинг педагогик амалиёти, бўлажак тарбиячиларнинг касбий сифатларини шаклланганлик ва касбий билимларни ўзлаштирганлик даражасига бўлган муносабатини аниқлаш мақсадида анкета саволлари билан мурожаат қилинди:

1. Мактабгача таълим муассасаси ҳамда олий ўқув юртларининг “Мактабгача таълим” йўналиши кафедрасининг малакавий амалиётни ўтказиш юзасидан тузилган икки ёқлама шартномаси талабаларини тўлиқ бажаришдаги имкониятларингиз қандай?

2. Талабаларнинг болаларни ҳар томонлама ривожланишига қаратилган фаолиятини ташкил этишида тарбиячининг вазифалари нималардан иборат?

3. Талабаларнинг амалиёт жараёнидаги тажрибасизлиги ва йўл қўйган камчиликларини бартараф этишдаги фикрингиз?

4. Гуруҳда олиб бориладиган тадбирларни самарадорлигини таъминлашда сизнинг методик ёрдамингиз нимадан иборат бўлади?

5. Талабаларни педагогик амалиёт жараёнида касбий фаолиятда лойик деб ҳисоблайсизми? Лойик деб топмасангиз - сабаби?

6. Амалиёт жараёнида устоз-шогирд сифатида талабалар билан ишлашга имкониятингиз борми?

Сўровномага Андижон, Жиззах ва Намангандаги мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларидан жами, 160 нафари респондент тарбиячилар сифатида жалб этилдилар. Уларнинг берган жавобларини тахлилига кўра мактабгача таълим муассасалари:

- Мактабгача таълим муассасаси ҳамда олий ўқув юртларининг “Мактабгача таълим” йўналиши кафедраларининг малакавий амалиётни ўтказиш юзасидан тузилган икки ёклама шартномалари талабларини тўлиқ бажариш имкониятлари юзасидан берилган жавоблар нисбий берилган бўлиб, фоиз ҳисобида 60% ни ташкил этади.
- Тарбиячиларни ўз вазифаси, бурч ва маъсулиятига оид тўғри жавоблари 70% ташкил этди.
- Талабалар қўйилган камчиликларни тузатишга ёрдам кўрсата оламан деган фикрни билдирувчилар 50%.
- Ўзимнинг тажрибам етарли эмас деб жавоб берувчилар 40% ташкил этди.
- Амалиётчи талабаларни 100% касбий фаолиятга тайёр эмас, 70% касбий қизиқишлари билан ажралиб туради, 25% талаба касбига интилиши сустлиги, 10% бефарқлиги кузатилди деган хулосани берганлар.
- Амалиёт жараёнида устоз-шогирдлик фаолиятини 91% тарбиячилар зарур деб ҳисобладилар.

Юқоридаги анкета саволларига берилган жавобларга асосланиб:

1. Амалиёт ўтказиладиган мактабгача таълим муассасалари ходимлари учун алоҳида тайёргарликни таъминлаш; (семинар, суҳбат, маъруза, тренинглар ўтказиш).

2. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг ҳозирги таълим-тарбия олдига қўйилган талаблар ва замонавий педагогик технологиялар билан қуроллантириш;

3. Мактабгача таълим муассасаларида амалиётчилар учун етарли шарт-шароитларни яратилиши, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини йўлга қўйилиши талабаларнинг касбий фаолиятини пухта эгаллашларига замин яратиши мумкинлиги аниқланди.

Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда малакавий амалиётни ташкил қилиш тизими мазмуни.

Узлуксиз таълим тизимини биринчи босқичи бўлган мактабгача таълим ёшидаги болаларни таълим тарбияси жуда мураккаб жараён бўлиб, бу жараёнда моддий ва маънавий ҳаётга оид илк тушунчалар болалар онгида шакллантирилади. Бундай мураккаб жараёни амалга оширишда тарбиячилик фаолиятини масъулият билан бажарувчи мутахассисларни тайёрлашда айрим илмий ёндошувлар асосида яратилган бўлажак мутахассисларни педагог касбий тайёрлашга оид профессиограмма ўзига хос аҳамият касб этади.

Педагог олим М.Т.Давлетшин педагог профессиограммаси ҳақидаги қарашларида бўлажак тарбиячи ва ўқитувчида ўзига хос қуйидаги сифатларнинг мавжудлиги зарурият эканлигини кўрсатади: “

“- Шахсий хислатлар: болаларни яхши кўриш, меҳнатсеварлик, жамоат ишларида фаоллик ва бошқ.

- Касбга хос билимларга эгаллик: таълим-тарбия жараёнининг моҳияти билан унинг мақсад ва вазифаларини тушуниш ва бошқ.

- Ўз касбига хос хислатлар: ҳозирги замон педагогикасининг методологик билимларни эгаллаши ва бошқ.

- Шахсий педагогик уддабуронлик: машғулотлар учун зарур материалларни танлай олиш, мақсадларни режалаштира олиш ва бошқ.”²⁵

Мазкур педагогик профессиограмма кўпроқ педагогик таълим муассасаларининг турли мутахассисликларига мос бўлиб, мактабгача таълимда бундай касбга хос хислатлар тавсифи кўпроқ назарий билим ва амалий кўникмалар орқали шаклланади.

Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва илмий фаразидан келиб чиқиб, шакллантирувчи тажриба – синов ишларини амалга оширишда қуйидаги вазифаларга эътибор қаратилди:

1. Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда қўйиладиган талабларнинг жамият эҳтиёжи билан ўзаро уйғунлигини таъминлаш;
2. Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда амалиёт ўташ учун белгиланган мактабгача таълим муассасаларидаги шарт-шароит ва ижтимоий ва маданий муҳитни яратиш;
3. Талабаларни билим савияси ҳозирги даврдаги ислохлаштирилган мактабгача таълим муассасаларнинг мазмуни, иш шакли ва технологик усуллариغا мослиги.

Юқоридаги вазифаларни ўрганиш ва амалиётга қўллаш педагог олимлар Ф.Хайдаров ва Н.Муслимовларнинг илмий изланишларида

келтирилган маълумотлари асосида шакллантирилди. Олимлар бўлажак тарбиячи ва ўқитувчиларни касбий фаолиятини шакллантиришнинг энг муҳим томони, шахсни танлаган касбига ва меҳнат фаолиятига боғлиқлигини асослаб, унда қуйидаги мақсадлар тизимини, эҳтиёжлар ва мотивлар билан уйғунлашишини кўрсатиб берганлар:

1. “Интеллектуал салоҳият – фикрлаш турлари (ижодий, назарий, амалий билим.);
2. Иродавий сифатлар – (мақсадга интилувчанлик, қийинчиликларни енга олиш);
3. Ҳиссий сифатлар – (ўз-ўзини баҳолаш..);
4. Амалий кўникмалар – (ўзида психологик, педагогик, методик ва техник, технологик қобилиятлар...)
5. Ўз-ўзини бошқара олиш.
6. Компонентлик – олинган назарий билим ва кўникмаларнинг мавжудлиги ва педагогик амалиёт жараёнида қўллай олиши;”²⁶

Педагог олима Н.М.Эгамбердиева ўзининг илмий тадқиқот ишида бўлажак тарбиячи талабаларни “касбий етуклик”ги ҳар бир мутахассис учун зарурлигини таъкидлайди. Касбий етуклик яхлит бир тизим сифатида бир канча таркибий қисмларни ўзида уйғунлаштиради:

“Педагогик маданият, ижодкорлик, педагогик ақл-идрок, педагогик билимга эғалик, индивидуал фаолият, инсонпарварликка йўналтирилганлик, ижтимоий фаолият.”²⁷

Юқорида келтирилган тадқиқотларда синаб кўрилиб, олға сурилган илмий таклифлардан бўлажак тарбиячининг касбий фаолиятга тайёрлашда ва педагогик амалиёт жараёнида фойдаланиш ижобий аҳамият касб этади.

Олий таълим йўналишида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг ўзига хос тамойиллари, мақсад, вазифалари мутахассисликка кўра белгиланади. Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда “Мақтабгача таълим” йўналиши педагогик амалиётининг ўзига хос тизими мавжуд. Мазкур тизим ДТС асосида ўқув режага мувофиқ қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- 1-босқич, 2 – семестр 1 ҳафта;
- 2-босқич, 3-4 – семестр 1 ҳафта;
- 3-босқич, 5-6- семестр 2 ҳафта;
- 4- босқич, 7- семестр 11 ҳафта;²⁸

²⁶ Хайдаров Ф.И. Муслимов Н. Педагогик кадрлар тайёрлаш истиқболи. Педагогик таълим. Т.: 6-сон 2009-8-9 бет.

²⁷ Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ҳам касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти. Автореферат. Т.:2010.-17 б.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув режаси. 5111800-Мақтабгача таълим.2011-2012.

Тадқиқот жараёнида ЖПИ, АДУ, НамДУ ларнинг 2016-2017 йиллардаги ўқув режаларида педагогик амалиёт куйидагича режалаштирилганлиги аниқланди:


- 1-курс 2 – семестр 1 ҳафта;
- 2-курс 3-4 – семестр 1 ҳафта;
- 3-курс 5-6- семестр 2 ҳафта;
- 4-курс 7- семестр 14 ҳафта ажратилган.

Лекин сўнги 2016-2017 ўқув йиллари учун мўлжалланган ўқув режасида узлуксиз педагогик амалиётни ташкил этилишига аҳамият қаратилган бўлиб, тадқиқот ишини шу режа асосида олиб бориш маъқул деб топилди.


1-босқичдаги педагогик амалиётни ташкил этиш жараёнида талабаларга куйидаги билимларни шакллантирилиши педагогик амалиётнинг узлуксизлигини таъминлашда қулай имкониятни яратади:

1. Бўлажак тарбиячиларга мактабгача ёшдаги болаларни ўзига хос педагогик-психологик хусусиятларини ўргатиш – яъни уларда болажонликни шакллантириш.
2. Бўлажак тарбиячиларни назарий билимларини амалиётда қўллай билишдаги ташкилотчилик, ташаббускорлик ижодий ёндошув ва ахборот технологиялардан фойдаланиш малакасини ривожлантириш.
3. Амалиёт жараёнида ўз касбий сифатларини ривожлантириши, касбидан гурурланиш ҳиссини пайдо қилишни таъминлашга эришиш амалиётни кейинги босқичларни мувоффақиятли ташкил этишга замин яратади.

БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИНИНГ ПРОФЕССИОГРАММАСИ.



Бўлажак тарбиячи учун зарур бўлган малакалар.



Коммуникатив малакалар

Болалар, ота-оналар, ва жамоатчилик вакиллари билан муносабат ва алоқалар ўрната билиш.

Болалар фикрини тушуниш ва ўз фикрини нутқ, тил воситалари орқали тушунтира билиш

Болалар жамоасини, қизиқишларини, ички муносабатларини идора қила билиш

Болалар билан яқин муносабатда бўлиш ва уларда ўзига нисбатан меҳр-ишонч, ҳурмат каби хислатларни уйғота билиш

Амалий малакалар

Расм солиш

Спорт билан шугулланиш

Ўйинлар ташкил қилиш

Мусиқани тинглаш

Саёҳат қилдириш

Пазандачилик

Тикувчилик

Узлуксиз таълим ҳамда мактабгача ёшдаги болаларни баркамол қилиб тарбиялаш борасида педагог олимлар М.Хайдаров, О.Ҳасанбоева, Н.Муслимов, Ж.Ҳасанбоев, Б.Холдоров, П.Пўлатова, М.Юлдашева, Х.Абдукаримов, Б.Раҳимова, Ш.Тошпўлатова, С.Мадиярова, Н.Ахметовалар томонидан бир қанча илмий педагогик асарлар яратилган. Ушбу манбаларга асосланиб, бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиёт жараёнини кузатиш, ўрганиш ва амалдаги самарадорликни кўриш мақсадида Жиззах ДПИ, Андижон ДУ ва Наманган ДУларининг “Мактабгача таълим” йўналишидаги педагогик амалиётни мақсадли, ташкил этиш юзасидан шакллантирувчи тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Тадқиқот доирасида бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиётни ташкил қилиш қуйидаги босқичларда ташкил этилди:

1- босқич: Талабаларни касбий фаолиятга йўналтирувчи педагогик амалиётга оид билимларини аниқлаш ва олий таълим ўқув тарбия жараёнида янада мукамаллаштириш.

2- босқич: Талабаларни амалиётга оид билим, кўникма ва малақаларини касбий фаолиятига татбиқ этиши ва ўз- ўзини баҳолаши.

3- босқич: Педагогик амалиёт жараёнида касбий фаолиятга оид топшириқларни бажариш методларини белгилаш.

4- босқич : Амалиёт жараёнида дуч келадиган қийинчиликларнинг сабаби ва уни ечиш чора тадбирлари белгилаш.

5- босқич: Талабаларнинг ўзлаштириш даражасини сўров шакллари орқали қайд этиб бориш.

Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда амалиётни ташкил этишнинг қуйидаги тамойилларига эътиборни қаратиш лозим:

1. Олий таълим ўқув тарбия жараёнида касбий фаолиятга оид билимларни ривожланиш даражаси;

2. Назария билан амалиёт бирлиги;

3. Изчиллилик, тизимлилик;

4. Талабалар фаолиятини рағбатлантириш;

5. Педагогик фаолиятни ўзига хос хусусиятларини ўрганиб амал қилиш;

6. Амалиёт жараёнида мактабгача таълим муассасалари талаба ўз фаолиятини технолоиялаштириши яъни таълим-тарбияда инновацион технологиялардан фойдаланиш.

Тадқиқотнинг шакллантирувчи тажриба-синов ишлари жараёнида дастлаб, бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятнинг мақсади ва вазифаларининг моҳиятини теран англашига қаратилган қуйидаги вазифалар асос қилиб олинди:

-“Мақтабгача таълим йўналиши” I босқич талабаларини касбий малакаларини ошириш мақсадида, уларга тарбиячилик касбининг моҳияти, вазифаси, бурч ва маъсулияти ҳақидаги билимларни беришга мўлжалланган “Мақтабгача педагогика”, “Умумий психология” ва бошқа ижтимоий фалсафий фанлардан олинган дастлабки назарий билимларни мустаҳкамлашга қаратилган “Касбим фаҳрим”, “Ўқитувчилик бурчи”, “Касбий одоб”, “Йил тарбиячиси”, “Мустақил Ўзбекистон тарбиячиси” каби мавзулардаги маънавий-маърифий тадбирлар, касбий мавзудаги турли кечалар, суҳбат, тренинг ва учрашувлар ташкил этилди. Бундай тарбиявий тадбирлар орқали талабаларда тарбиячилик касби ҳақидаги назарий билимлар мукамаллашади, олинган билимларни амалиёт жараёнига татбиқ эта олиш имкониятлари кенгайди.

Биринчи босқичнинг 2-ярим йиллигидаги педагогик амалиётнинг мазмуни талабаларни ўз танлаган касбининг моҳияти, мақсади ва вазифаларини амалиёт жараёнига татбиқ этишга қаратилганлиги сабабли, унда биринчи босқич талабаларини мактабгача таълим муассасалари ҳақидаги дастлабки билимларини шакллантиришга, тарбиячилик касбида фаолият юрита олиш, ва болалар жамоасини ташкил эта олиш малакаларини такомиллаштиришга эътибор қаратилди. Бу жараёнда мактабгача таълим муассасаларидаги талабаларнинг амалиёт ўтказиши учун керакли бўлган шарт шароитнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга.

Амалиёт жараёнини янада такомиллаштиришга оид касбий фаолият бўйича турли маънавий маърифий тадбирлар, ижтимоий самарадорликни таъминлашга қаратилган ижодий ишлар, баҳс мунозара, педагогик масалалардан фойдаланиш ҳамда тарбияланувчилар билан маънавий муносабатни тўғри ташкил этишга қаратилган болажонлик, меҳрибонлик, болаларга меҳр кўрсата олиш каби сифатларни шакллантирувчи тадбирларни тизимли ташкил этиш йўлга қўйилди.

Тажриба ишлари мактабгача таълим муассасалари “Болажон” дастурини мазмуни билан уйғун ҳолда ташкил этилди.

I-босқичда ўтказилган педагогик амалиёт натижасида талабаларнинг касбий фаолиятларига муносабатларини аниқлашга оид анкета сўровлари ўтказилди. Сўровларда 120 нафар респондент талабалар (Андижон ДУ) иштирок этдилар.

| № | Касбий фаолиятга муносабат | Тажриба гуруҳ | Назорат гуруҳ |
|----|--|---------------|---------------|
| 1. | Ижтимоий ва касбий бурчни қандай ҳис этасиз? | 120 | |

| | | | |
|----|--|-----|----|
| 2. | Мактабгача таълим муассасаси бошқарув фаолиятига нималар киреди? | 116 | 4 |
| 3. | Сиз қайси болалар гуруҳида ишлашни маъқул кўрдингиз? | 100 | 20 |
| 4. | Мактабгача таълим муассасаларидаги иш фаолияти сизга маъқул бўлдими? | 105 | 15 |
| 5. | Болалар билан олиб борилган машғулот ва тадбирларда сезилган камчиликлар? | 51 | 69 |
| 6. | Сиз танлаган касбингизни тўғри танлаганлигингизга ишонч ҳосил қилдингизми? | 76 | 44 |
| 7. | Тарбиячилик касбий фаолиятидаги энг муҳим сифатлар нималар? | 68 | 42 |

1-босқич талабаларининг педагогик амалиёт жараёнидаги фаолияти кузатишганда улардаги юқори қайфият, касбга мамнуният билан ёндаши, болажонлик, интизомлилик, болалар билан муносабатда самийлик каби сифатларни шаклланганлиги кузатилди. Шу билан бирга талабалар 1-босқичдаги амалиётнинг мақсад ва вазифалари, тарбиячилик касбий фаолияти нимадан иборат эканлиги ҳақидаги илк билимларга эга бўлдилар, бироқ, 1 босқич талабасида касбий фаолиятга оид назарий билимлар етарли даражада эмаслиги сабабли таълимий ва тарбиявий ишларни амалиётга тўлиқ татбиқ этиш малакалари етишмаслиги аниқланди.

“Мактабгача таълим йўналиши” 2-босқичи учун мўлжалланган амалиёт дастурининг мазмуни талабаларни таълим тарбия жараёнларини ташкил этиш ҳамда мустакил машғулот ва сайрларни ташкил этишга қаратилган. Ушбу жараённи муваффақиятли амалга ошириш учун 2 босқич талабалари куйидаги билимларга эга бўлдилар:

- “Педагогика назарияси”, “Мактабгача таълим педагогикаси”, “Психология”, “Фалсафа” ва методик туркумдаги фанларни ўқитиш жараёнини мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия мазмуни билан боғлаб ташкил этилди ва 1-босқич амалиётидаги олинган билим ва малакалар билан уйғунлиги таъминланди..
- Талабаларга “Болажон” таянч дастурининг мазмун моҳияти ҳақидаги билимлар берилди ва уларни дастур талабларини амалга ошириш методикаси билан таништирилди;
- Тарбиячини кундалик режасини тартибли бажариши, болалар билан муомала маданияти, касбий бурч ва маданиятини шакллантиришга қаратилган турли тадбирлар ўтказилди;

- Амалиётга оид ҳужжатларни расмийлаштириш тартиблари ўргатилди. 2-босқичда ўтказилган педагогик амалиёт натижасида талабаларнинг касбий фаолиятларига муносабатларини аниқлашга оид анкета сўровлари ўтказилди. Сўровларда 160 нафар 2 босқич талабалари респондент сифатида иштирок этдилар.

| № | Касбий фаолиятга муносабат | Жавоблар сони | Ҳоиз ҳисобида. |
|----|--|---------------|----------------|
| 1. | Сиз амалиёт жараёнида ўзингизни тарбиячи сифатида ҳис этдингизми? | 160 | 100% |
| 2. | Тарбиячи фаолиятида мураккаб жараёнларни аниқладингизми? | 120 | 100% |
| 3. | 1-курс амалиёти , 2-курс амалиётида нима ўзгариш бўлди? | 144 | 100% |
| 4. | Сиз болаларга меҳр билан муносабатда бўлишга тайёрмисиз? | 161 | 100% |
| 5. | Амалиёт жараёнида асосий қийинчиликларни ҳис этдингизми? | 84 | 100% |
| 6. | Машғулотларни кузатиш, таҳлил қилиш ва олиб боришда ўзингизни сафарбар эта оласизми? | 112 | 100% |
| 7. | Амалиёт жараёнидаги қўйилган камчиликларни таҳлил қилдингизми? | 51 | 100% |

Юқоридаги сўров натижалари ҳамда 1 ва 2- босқичда ўтказилган педагогик амалиёт таҳлилига кўра:

- 1 ва 2 босқич талабаларининг 81%да касбий фаолиятга нисбатан қизиқиши мавжудлиги;
- талабаларнинг 2 ҳафта мобайнида болаларнинг психологик хусусиятларини тез ўргана олмадиклари сабабли уларнинг амалиётга мослашиш жараёни қийин кечганлиги;
- Талабаларда касбий тажрибанинг етишмаганлиги уларнинг мустақил фаолиятга етарли даражада тайёр эмасдиклари билан боғлиқлиги;
- Талабалар томонидан ўз касбий бурч ва интизом қондаларига тўлиқ риоя этишлари қабилар аниқланди.

Тажриба синови гуруҳидаги 2-босқич 3-4- семестрдаги педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг касбий фаолиятга янада масъулроқ муносабатда бўлиши, қўйилган топшириқ ва талабаларни бажаришга тўлиқ амал қилишлари кузатилди. 2-босқичдаги амалиёт 1-босқич амалиётининг

давоми сифатида талабаларни билим ва малакалари янада ривожланишига хизмат қилди. 2-босқич талабалари 2 ҳафталик амалиёт жараёнида таълим-тарбия жараёнининг яхлитлиги ва унинг мантикий тузилишини, мустақил фаолият олиб бориш кўникма ва малакаларини эгалладилар.

1-3-курс амалиётида узвийлик педагогик амалиётни кейинги босқичларига асос яратувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Педагогик амалиётнинг кейинги босқичларида талабалар ўз касбий фаолиятларини кенгайтириш имконига эга бўлдилар. 3-босқичнинг 5-семестрида ўтказиладиган педагогик амалиёт мазмунан талабаларни малакавий амалиётга тайёрлаш жараёни бўлиб, талабаларни мустақил касбий фаолиятга тайёрлашга йўналтирилган.

3-босқичда талабалар ўқув режада белгиланган барча мутахассислик ва методик фанлардан, жумладан:

1. Нутқ ўстириш методикаси;
2. Тасвирий фаолият методикаси;
3. Элементар математикани ўқитиш методикаси.
4. Табиат билан таништириш методикаси.
5. Жисмоний тарбия методикаси.
6. Мусика методикаси каби фанлардан тўлиқ билимга эга бўладилар.

Бўлажак тарбиячилар юқорида келтирилган мутахассислик фанларидан олган назарий билимларни 1-3-босқичдаги педагогик амалиёт жараёнида қўллаш имкониятига эга бўладилар.

Талабаларда мактабгача таълим муассасаларидаги педагогик амалиёт жараёнида ишни тўғри ташкил этиш, таълимий-тарбиявий машғулотларни мустақил равишда ташкил қилиш ва ўтказиш малакасини шакллантиришда қуйидаги машғулотларни ўтказишга қўйилган талаблар ҳақидаги билимларни эгаллашларига эътибор қаратиш лозим.

Булар:

1. Ноанъанавий, сайр, мужассам, ўйин, жисмоний тарбия машғулотларини технологик жиҳатдан тўғри ташкил қилиш малакасини шакллантириш.
2. Болаларни ижтимоий ҳиссий жиҳатдан ривожлантиришга оид тадбирлар ишлаб чиқиш;
3. Болалар жамоасини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш ва амалиётда қўллаш билиш;
4. Амалиёт жараёнида талаб қилинган ҳужжатларни тўғри юргизишлигини таъминлаш;
5. Тарбиячининг иш режаси ва уни доимий равишда, талаб даражасида расмийлаштириб бориш малакаларини шакллантириш муҳимдир.

Малакавий педагогик амалиёт талабаларда касбга оид ҳақиқий ижодий фаолиятни амалга ошириш имконини беради. Бўлғуси мутахассисларни

амалий жараёнга тайёрлашнинг самарадорлиги ва аҳамияти талабанинг “Педагогика ” ва “Психология” фанларидан эгаллаган билимларини амалиётга татбиқ эта олишига боғлиқ. Амалиёт жараёни бўлажак мутахассисларда амалий-тарбиявий кўникмаларни ҳосил бўлишига ёрдам беради шу билан бирга талабалар педагогик амалиётнинг ягона таркибий қисми бўлган амалий, таълим - тарбиявий иши билан боғлиқ бўлган у ёки бу ходисаларни, воқеаларни кузатиш ва фикрлаш ҳамда бу жараёнда ўзининг ролини тушуниши ва англаб етиш имкониятига эга бўладилар. Талабаларда узлуксиз амалиёт жараёнида болаларни ҳар томонлама ўрганиш билан боғлиқ бўлган муаян педагогик кўникмалар ҳосил бўлади.

Талабалар амалиёт жараёнида эгаллаган назарий билимларини амалиётга онгли, ижодий қўллашни билиб олишлари, амалиёт жараёнида олган педагогик кўникмаларини мустаҳкамлашлари лозим ва бу уларнинг зиммасига қуйидаги вазифаларни юклайди

- Педагогик амалиёт даврида педагогик фаолият бўлган амалий малакаларни, назарий билимларни амалда қўллай олиш; педагогик малакаларни эгаллаш ва такомиллаштириш; илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва болаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирадиган таълимнинг турли методлари ва ҳозирги замон техника воситаларини янада кўпроқ эгаллаб боришдан иборат.
- Ижтимоий ташкилотчилик фаолиятни ташкил этишда ўз олдига бирор мақсадни қўйиш, режалаштириш, таълимий-тарбиявий ишни энг самарали усулларини танлай олиш, уларни ҳар бирини имкониятини аниқлай олиш ва шунга мувофиқ топширик бериш кўникмасини, унинг бажарилишини ташкил қилиш.
- Педагогик амалиётнинг ижодий характери, шунингдек, амалиёт даврида талаба бажарадиган ижтимоий вазифаларнинг кенг тизими билан таъминланади. Узлуксиз бу амалиёт аввало, бўлғуси касбий фаолият соҳасидаги ижтимоий ишни назарда тутуди. Мазкур амалиёт талабаларнинг миллий истиқлол ғояси, педагогик технологиялар ва интерактив усуллар асосида ижодий фикрлашларини ривожлантиради. Фаол ижтимоий фаолиятга эҳтиёжни, ўқув тарбиявий, тарғибот ва оммавий ишларнинг турли шакллари билан шуғулланиш малака ва кўникмаларни шакллантиради.
- Талабалар малакавий педагогик амалиёт даврида педагогик жараён тўғрисида жонли тасурот тўплайдилар, болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳақида, болалар жамоасини ўрганишнинг аниқ методлари тўғрисида тасаввурга эга бўладилар, шунингдек аниқ педагогик кўникмалар ҳосил қиладилар.

- Келгусида профессионал фаолият соҳасида педагогик олий ўқув юртлири талабаларининг ижтимоий фаолият фақат педагогик кўникма малакаларини шакллантиришда муҳим восита бўлиб қолади.
- Педагогик амалиёт даврида ҳар бир бола шахсига ҳурмат, унинг муаммоларига эътиборли бўлиш, сабр-бардош, максадга эришиш йўлларини излашда каъийлик, талабчанлик, назокат ва шу каби фазилатларни таркиб топтириш лозим бўлади. Педагогик технологияни эгаллаш ўз фанининг замонавий фанлар даражасида яхши билишни тарбиячининг услубий билимдонлигини назарда тутати. Педагогик техникани эгаллаш тарбиячи шахсини шакллантиришни ва унга тарбияланувчилар билан мулоқот кўникмаси ва малакаларини эгаллишини назарда тутати.

Педагогик амалиёт бўлажак педагогни ўз касбининг мохир устаси қилиб тайёрлашга замин яратади. Педагогиклик фаолияти ҳақида мутафаккир Ибн Сино куйидагича фикр билдирган: “Талабага билим бериш ўқитувчининг маъсулиятли бурчидир”. Ибн Сино тарбиячига хос сифатлар ҳақида фикр юритар экан, шундай йўл-йўриқлар беради. Булар куйидагилардан иборат:

- Болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;
- Берилаётган билимни болалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- Таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- Боланинг қобилиятини ҳисобга олиш;
- Шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш;
- Фанга қизиқтира олиш;
- Берилаётган билим болага тушунарли бўлиши;
- Ёш хусусиятлари ҳисобга олиниши зарур, дейди олим”.²⁹

Мактабгача таълим тизимига кўйилаётган талаблар унинг педагогик жиҳатларини тубдан янгилаш, мактабгача ёшдаги болаларга бериладиган таълим – тарбия ишларини янги сифат поғонасига кўтариш, шунингдек, жаҳон андозаларига мос кадрларни тарбиялашни вазифа қилиб қўймоқда. Шу боис ҳам ёш авлоднинг ақлий маънавий, ахлокий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан ҳаётга тайёр шахслар бўлиб етишишлари жамият тараққиётининг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, уларни тарбияловчи мутахассисларни тайёрлашда назарий ва амалий ёндашувни талаб қилади. Шунинг учун ҳам талабалар, яъни бўлажак тарбиячиларни мактабгача таълим муасасаларида педагогик амалиёт ўташи муҳим педагогик муаммолар сирасига қиради. Педагог олим Н.Муслимовнинг фикрича:

²⁹ Педагогика тарихидан хрестоматия. Тузувчи : О.Ҳасанбоева Т.: Ўқитувчи-1993. 16 бет.

“Амалий педагогик фаолият мунтазам ўзгарувчи янгиланувчан, ривожланувчанлик билан ажралиб туради, унга ижтимоий буюртма сифатида узлуксиз таъсир кўрсатишни лозим”³⁰ - деб таъкидлайди.

Олий ўқув юртлари талабаларни педагогик фаолиятни ташкил этишда мактабгача таълим муассасаларида педагогик фаолиятга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Уларни эътиборга олиш мазкур йўналишнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бунга асосан кадрлар тайёрлаш тизимига илм-фан янгиликларини тадбиқ этиш юзасидан мақсадли инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш бугунги куннинг долзарб педагогик муаммоси сифатида ҳал этилиши лозим.

Амалиёт тизимининг узвийлик асосида амалга ошириш жараёнида талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлик даражаси тузилган анкета саволлари асосида, баллар орқали аниқланди ва баҳоланди.

1. 100%-85% гача жавобларга – “5” балл.
2. 85%-75% гача “4”- балл.
3. 69%-55% гача- “3” балл.

Тадқиқот жараёнида тажриба-синов ўтказиш дастури яратилиб, дастурда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилди:

1. Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиёт муҳим ўқув жараёни эканлигини долзарблигини асослаш;
2. Тажриба – синов объектини аниқлаш;
3. Тажриба - синов ишларининг андозаси ва амалга ошириш технологиясини белгилаш;
4. Кутилган натижалар мезонини аниқлаш.

Тадқиқотнинг тажриба-синов жараёнида бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиётнинг имконияти ва мазмуни аниқлашда Андижон ДУ, ЖиззахДПИ ва Наманган ДУ “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларининг педагогик амалиёти жараёнини кузатилди. Кузатиш ишлари юқорида номлари келтирилган олий таълим муассасаларининг талабалари амалиёт ўтказиши учун белгиланган 16 та мактабгача таълим муассасаларида олиб борилди.

Тажриба-синов ишлари олиб борилган мактабгача таълим муассасаларидаги педагогик амалиёт жараёнига тарбиячини касбий фаолиятга тайёрлашнинг мазмуни, шакл ва технологик усуллари тадбиқ этилди.

³⁰Муслимов Н.

III БОБ БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ИМКОНИАТЛАРИ.

Бўлажак тарбиячиларнинг яхлит тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришнинг амалий асослари (шакл, метод, воситалари).


Маълумки, бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиётни технологик ёндашувга асосланиб, бир бутунликда ташкил этилса самарали натижа беради. Яъни касбга йўллаш, шу соҳага лаёқатлиларни танлаш ва касбга тайёрлаш борасида ташкил этиладиган педагогик амалиёт борасидаги барча ишларни узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилса ва шу тадбирларнинг ҳар бири босқичма-босқич бўлажак тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнини мохирона, янги педагогик технология асосида ташкил этишига тайёрласагина, у бир бутун тизим сифатида аниқ мақсадга эришади.

Шу нуқтаи назардан, тадқиқот жараёнида бўлажак тарбиячиларнинг педагогик амалиётга тайёрлаш жараёнида уларнинг касбий фаолиятга оид амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилишлари босқичма-босқич, узлуксизлиги таъминланган ҳолда амалга оширилишига эътибор қаратилди.

“Мақтабгача таълим” йўналиши 1-4 босқич талабаларининг педагогик амалиётининг узлуксизлиги қуйидаги касбий фаолият жараёнларини ташкил қилишга асос бўлади.

- Болаларни мактабга тайёрлаш;
- Машғулотларни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;
- Жисмоний ва ҳиссий ривожланиш;
- Тасвирий фаолият;
- Нутқни ўстириш фаолияти.

Тажриба синов ишлари жараёнида “Болажон” таянч дастурининг талаблари асосида талабаларнинг касбий фаолиятга тайёрлашнинг тизими ишлаб чиқилди.



Назарий таҳлиллар ва хулосалар асосида вужудга келган ушбу тизимда талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш мухтасар қилиб кўрсатилган. Лекин, тарбиячилик фаолияти жуда кенг тушунча бўлганлиги сабабли, унинг ҳукукий, фалсафий, ижтимоий, психологик қирралари алоҳида тадқиқот предметидир. Тарбиячилик фаолиятининг бир қирраси сифатида тадқиқ этилаётган касбий фаолиятга тайёрлаш ва унга хос хусусиятлар ахлоқий сифатлар тизимида олиб қаралади.

Тадқиқот доирасида яратилган тизим қуйидаги босқичларни қамраб олади.

| | |
|---|--|
| <p>1-босқич талабаларида касбий фаолиятга хос дастлабки тарбиячилик сифатларини шакллантириш.</p> | <p>Касбий фаолиятга кириш. Мақад: Тарбиячиларни ижтимоий, маънавий баркамоллигини таъминлашда қуйидаги фаолият турларига амал қилиш:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Болаларни умумий ривожланишини кузатиш; 2. Жисмоний баркамоллик, соғлом муҳит; 3. Болаларни ижобий сифатларини шаклланганлигини кузатиш; 4. Болалар жамоасида ўзаро илиқ муносабатларни ривожлантириш; 5. Тарбиячи сифатида ўзини ҳис этиб педагогика ва психология фанларидан олинган билимларга амал қилиш; 6. Касб моҳиятини онгли англаш: касбий бурч, касбий масъулият, болаларга садоқат, бағрикенглик. |
| <p>2-босқич талабалари касбий фаолиятга хос тарбиячилик сифатларини шакллантириш.</p> | <p>Касбий фаолиятни мукамаллаштириш. Мақсад: 1-босқичда олиган назарий ва амалий билим, малакаларни ривожлантириш.</p> <ul style="list-style-type: none"> - “Болажон” таянч дастури асосида тарбиячиларнинг иш режаларини ўрганиш ва амалда кузатиш; - Тарбиячи сифатида гуруҳдаги болалар билан яқка тартибдаги суҳбатларни ташкил этиш орқали уларнинг шахсини ўрганиш; - Гуруҳ болаларини ота-оналари билан суҳбатлашиш, болаларни оилавий муҳити билан танишиш; |

| | |
|--|---|
| | <ul style="list-style-type: none"> - Гуруҳ тарбиячисининг ҳамкорлигида методик ва ташкилий ишларни амалга ошириш; - Гуруҳдаги болаларни турли салбий ҳаракатлардан сақлаш ва уларни руҳий жиҳатдан химоя қилиш; - Тарбиячи ўзини “Мен” Концепцияси асосида ўз касбий фаолиятини баҳолай олиши; <ol style="list-style-type: none"> 1. Ташкилотчилик; 2. Иш билармонлик 3. Болалар билан мулоқот; 4. Намуна кўрсата олиш; |
| <p>3-босқич талабаларида касбий фаолиятга хос сифатларни шакллантириш.</p> | <p>3-босқичда 1 ва 2-босқичдаги амалиёт жараёнида шаклланиб борган дастлабки фаолиятнинг энг муҳим босқичи бошланади.</p> <p>Мақсад:</p> <p>Мутахассислик ва методик фанлардан олган билимларни амалий ишлар ва амалиёт жараёнида такомиллаштириш:</p> <p>Бунда бўлажак тарбиячи бириктирилган гуруҳда ўз фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги шаклий тарбиячилик сифатларини эгаллаши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Назарий билиш – амалиёт фаолиятида таққослай билиш ва муаммоларни излаш; 2. Ўзида изланувчанликка (Машгулотларни ташкил қилишни ижодий ечимларни излаш); 3. Ўзини ижодкор тарбиячи сифатида ҳис этиш; замонавий дидактика соҳасидаги янгиликларни амалиётга олиб кириш. 4. Ўз-ўзини бошқара олиш ва ўз ишига ижобий ёндошиш ва мустақил фикр эгаси бўлиш. 5. Тарбиячилик фаолиятида дидактик мақсадларга кўра машгулотларни лойиҳалаштириш. 6. ДТС талаблари асосида таълим-тарбия ишларини олиб бориш, ахборот технологияларидан фойдаланиш методикасига амал қилиш. |

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган касбий фаолиятни шакллантирувчи тизимнинг тарбиячилик фаолиятини шакллантиришдаги самарадорлиги тадқиқот объекти Жиззах ДПИ, Наманган ДУ, Андижон ДУларнинг “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларининг амалиёт жараёнида эришган қуйидаги кўрсаткичлари орқали аниқланди:

- Талабаларнинг 79% ўз касбини ихтиёрий танлаганлиги;
- Талабаларнинг педагогика ва психология фанларидан ўқув қуроллари ва технологик слайдлар билан таъминланганлиги;
- Юқори савияда маърузаларни замонавий дидактик талаблари асосида ташкил этилганлиги;
- Ҳар бир маъруза, семинар ва лабаратория машгулотлар жараёнида мактабгача таълим муассасаларидаги фаолиятнинг ютуқ ва камчиликлари назарий билимлар замирида уйғунлаштирилганлиги.

Бундай ижобий ишлар малакавий амалиётни мазмунли ташкил этиш ва ўз касбий фаолиятига чуқур садоқатли тарбиячиларни вояга етказиш имконини берди. Малакавий амалиётнинг 1-2-3- босқичларда узлуксиз равишда амалга оширилиши натижасида талабаларда қуйидаги касбий фаолиятга хос юксак сифатлар шаклланди:

1. Талаба – амалиётчи ўзининг хулқ атвори орқали ибрат намунасини кўрсата олиш; мустақил фикрлаш; касбий фаолиятни янги талаблар асосида ташкил этиш; таълим –тарбия соҳасига эркин ёндашув; ташаббус кўрсата билиш;
2. Гуруҳларда таълим – тарбия жараёнида келиб чиқадиган зиддиятли ҳолатларни олдини олиш ва уларни бартараф этишда ўзида куч ва маҳорат топа олиш;
3. Амалиёт жараёнини мазмунини самарали бажара олиш; фаолиятни тўғри режалаштириш; амалиёт ҳужжатларини тартибли тайёрлаш; мактабгача таълим муассасаси мудираси ва катта тарбиячилар фаолияти билан танишиш ва топшириқларни бажаришда фаоллик кўрсата билиш.

Тажриба синов жараёнида педагог олимлар М.Ишанқулов, Б.Рахимов, Э.Юзликаева, С.Мадиярова, Н.Муслимов, У.Темирова, Б.Хасановаларнинг педагогик амалиёт юзасидан яратган дастур ва ўқув қўлланмаларининг бўлажак тарбиячи ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги имконияти аниқланди. Яратилган дастур ва ўқув қўлланмаларда мактабгача таълим йўналишининг айрим ўзига хосликлари инобатга олинмаганлиги аниқланди:

1. Мактабгача таълим муассасаларида амалиётни ташкил этишнинг ўзига хослиги.
2. Мактабгача таълим муассасаларида амалиёт 6 та йўналиш: жисмоний тарбия, нутқ ўстириш, элементар математика, тасвирий фаолият, мусика,

табиат билан таништириш каби йўналишлар доирасида таълим-тарбия ишларини олиб бориш билан характерли, бироқ, йўналишлар бўйича педагогик амалиёт мақсади, вазифаси ҳамда раҳбар ва методистларнинг вазифаси берилмаган.

3. Талабаларни амалиёт жараёнидаги диагностикалаш малакаларини шакллантиришга эътибор қаратилмаган.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш ва мактабгача таълим муассасаларининг ўзига хослигини инobatга олган ҳолда “Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш дастури” ишлаб чиқилди. Дастурда асосий эътибор талабани касбий фаолиятга тайёрлашга қаратилди. (“Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш дастури” ишнинг илова қисмида тақдим этилади.)

Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиётнинг мазмундорлигини оширишга эътибор қаратилди ва қуйидаги вазифалар амалга оширилди.

- Амалиётгача бўлган даврда талабаларни амалиётга тайёрлашга қаратилган турли таълимий-тарбиявий тадбирлар ташкил этилди.

Жумладан:

1. Касбий фаолиятга оид маърузалар рукни ташкил этилди: “Тарбиячилик касбини ижтимоий моҳияти” мавзусида бахс- мунозара ўтказилди. Бахс-мунозаранинг мақсади Ўзбекистон Республикасида тарбиячилик касби ва бу касб эгалари фаолияти учун давлат томонидан яратилаётган имкониятлар, мактабгача таълим муассасаларини ижтимоий химояси ҳақида маълумот беришга қаратилди. Шу билан бирга бундай шарафли касбни танлаган бўлғуси тарбиячиларда ўз касбига муҳаббат уйғотиш ва масъулиятни ошириш масалалари ҳал этилди.


2. Мактабгача таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнини модернизациялаштириш мавзусида маърузалар ташкил этилди.

Маърузаларнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янгилаш, такомиллаштириш, моддий таъминотини ривожлантиришга қаратилганлиги ҳақида маълумотлар беришдан иборат. Шу билан бирга, бўлажак тарбиячиларни мактабгача таълим муассасалари ДТС ва соҳага оид барча меъърий ҳужжатларни ўзлаштириш, улардаги талаблар асосида касбий фаолиятни олиб бориш малакалари шакллантирилди.

3. Бўлажак тарбиячининг ахлоқий сифатларига қаратилган суҳбат ташкил этилди. Суҳбатнинг мақсади: Бўлажак тарбиячиларни касбий ва шахсий сифатларини такомиллаштиришга қаратилди. Суҳбат жараёнига кўп йиллик тажрибага эга бўлган, малакавий тарбиячилар ҳам жалб этилдилар. Улар ўз тажрибалари асосида тарбиячининг шахсий сифатлари ҳақидаги

фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шу билан бирга бўлажак тарбиячи талабалар ҳам тарбиячининг одоби ҳақидаги мулоҳазаларини ифода этдилар. Мазкур суҳбат асосида бўлажак тарбиячиларда қуйидаги касбий сифатларни шакллантиришга эътибор қаратиш зарур деб топилди ҳамда тарбиячиларнинг касбий сифатлари ва одобини тизим шаклига келтирилди.

Тарбиячининг касбий сифатлари



4. Талабаларни касбий фаолиятни амалга оширишда дуч келадиган турли муоммоларни ҳал этишга қаратилган тренинглار ташкил этилди. Бундай тренинглар бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг ота-оналар билан ишлаш, болалар руҳиятига мос ёндашувни топа олиш, зиддиятли вазиятлардан чиқиб кета олиш қобилиятларини шакллантириш мақсадида ташкил этилди. Ота-оналарга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишда ҳал қилиниши лозим бўлган қуйидаги муаммоли вазият ҳавола этилиб, уни ҳал этиш вазифаси топширилди:

Болалигида олган жароҳати туфайли 5 ёшли Нодирнинг оёғи оксайди. Тенгдошлари билан ўйнаш вақтида оёғининг оксаши ноқулайликларни келтириб чиқаради. Мусобақа кўринишидаги ўйинларда жамоанинг мағлубиятига кўп ҳолларда Нодирнинг оксаши сабаб бўлади. Тенгдошлари Нодирдан аччикланиб, уни койийдилар, баъзан ўйинда иштирок этишга йўл қўймайдилар, Нодир эса бу ҳолатдан хафа бўлиб, йиғлайди. Эртаси кун эса ҳамма нарсани унутиб, яна болалар билан ўйнашни хоҳлайди. Бу ҳол узоқ давом этди. Кунлардан бир кун эса Нодир умуман кўчага чиқишдан,

болалар билан ўйнашдан бош тортди. Онасининг зўрлашларига қарамасдан Нодир кўчага чиқмаслигини, ундан кўра уйда ўтиришини қатъий билдирди.

1. Сизнингча Нодир ўз кадр-кимматини англагани учун болалар билан ўйнашдан воз кечдими, ёки бошқа сабаб биланми?

2. Нодирнинг руҳиятидаги ҳолатни ижобий баҳолаш керакми ёки салбий?

3. Нодирга ва унинг онасига қандай ёрдам зарур?

Юқоридаги назарий касбий фаолиятга йўналтирувчи суҳбат, мунозара, учрашув, тренинг ва маърузаларни ташкил этиш билан бирга амалиётчи-талабаларнинг малакавий амалиёт вазифаларини қўйилган талаблар асосида бажариши ва таълим-тарбия жараёнига технологик ёндашувни ташкил эта олиш қобилиятини шакллантиришга ҳам эътибор қаратилди ва қуйидаги вазифалар белгиланди:

1. Бўлажак тарбиячи амалиёт жараёнига янги педагогик технология усулларини қўллаш, машғулот ва тарбиявий тадбирлар жараёнига интерактив методларни татбиқ этиш, мустақил ишлаш ва фикрлаш, болаларни фаоллаштиришга ўзини сафарбар этиши;

2. Болаларга машғулотлар давомида берилаётган билимлар уларнинг ёш ва савиясига мослиги, айниқса танланган мавзу юзасидан берилаётган ахборот ёки маълумотларнинг қизиқарли бўлишига эътибор қаратилиши;

3. Талабанинг амалиёт жараёнида ўз касбий фаолиятининг ҳар бир қирраларига ижодий ёндошув асосида муносабат билдириши.

Юқоридаги вазифаларни бажаришда респондент талабаларнинг малакавий амалиёт давридаги амалий фаолиятларини ҳозирги замон дидактикаси ютуқлари билан уйғунлаштирган ҳолда олиб борилди ва бўлажак тарбиячиларни мактабгача таълим муассасалари таълим - тарбия жараёнининг барча турларини тўғри ташкил этишида, касбий фаолиятнинг моҳиятини кенгрок тушуниб унга амал қилишда, касбий малакаларни шакллантиришга эътибор қаратилди. Тажриба жараёнида талабаларнинг юқоридаги касбий малакага эга бўлиш қирраларининг намоён бўлганлиги турли мусобақалар, дебатлар шаклидаги баҳс-мунозараларни ташкил этиш орқали аниқланди. “Тарбиячи касбининг ўзига хос хусусиятлари” мавзусида IV-босқич респондент талабалар билан ўтказилаган дебат қуйидагича ташкил этилди:

Дебатнинг мақсади: бўлажак тарбиячиларда педагогик амалиётнинг тизимли ташкил этилиши ва босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида касбий фаолиятга оид билимларни амалиётга қўллай олиш малакаларини шаклланганлик даражасини аниқлашдан иборат.

Дебатнинг дидактик аҳамияти: Дебат талабаларда мавзу юзасидан ҳал қилинаётган муаммонинг мантикий ечимини топиш, ўз фикрини ифода қилиш

олиш, далиллардан тўғри, етарлича фойдаланиш, ўзгалар фикрларини хурмат қилиш, фикрларни умумлаштириш ва ягона, тўғри хулосага келиш малакаларини шакллантиради.

“Тарбиячилик касбининг ўзига хос хусусиятлари” мавзусидаги дебатни тайёрлаш ва уни ўтказиш босқичлари:

- Талабаларнинг мактабгача таълим муассасасида ўтказилган педагогик амалиёт жараёнларида тарбиячи касбининг ўзига хос хусусиятлари, касбий фаолият олиб бориш жараёнларида дуч келган муаммо ва қийинчиликлари ва уларни бартараф этишда нималарга эътибор қаратишлари кераклиги масалалари кизиқтираётганлиги аниқланди.

- Дебат учун танланган мавзу олдиндан талабаларга етказилди.

- Талабалар икки гуруҳга бўлиниб, мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. бир-бирига зид бўлган фикрлар ечимини топишга киришдилар.

- Гуруҳлар ўзларининг фикрлари тўғрилигини далиллар, ҳаётий мисоллар орқали исботладилар.

- Гуруҳлар ўз фикрларини тўғрилигини дебатда иштирок этаётган мутахассислар орқали ҳимоя қилдилар.

- Мутахассислар гуруҳларнинг фикр-мулоҳазаларининг қай даражада тўғри эканлигини ҳимоя қилдилар.

Дебат жараёнини назорат қилиш ва баҳолаш: Дебат мутахассислик фанлари ўқитувчилари ва мактабгача таълим муассаси тарбиячиларидан ташкил топган ҳакамлар томонидан назорат қилиб борилди ва гуруҳ иштирокчиларининг фаолликларини инобатга олиб, уларга баллар қўйиб борилди.

Ўтказилган дебат орқали тажриба-синов ишлари жараёнида ишлаб чиқилган педагогик амалиётда касбий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган тизимининг самарали натижа берганлиги аниқланди. Талабаларнинг педагогик амалиёт даврида мазкур тизим асосида фаолиятини ташкил этилганлиги, уларнинг касбий соҳадаги барча муаммоларни ҳал қилишда етарли билимларини кўрсата олганликларида намоён бўлди. Айниқса, талабаларнинг амалиёт жараёнининг ташкил этилиши, яратилган шарт-шароитлар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини эркин билдира олишлари, касбий малакаларни эгаллашдаги қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллариини излаб топишдаги ҳаракатлари, касбий фаолият малакасини эгаллаш моҳиятини тўғри, асосли тушуниб, таҳлил қилишлари, амалиёт жараёнидаги индивидуал хусусият ва фаолиятдаги фарқлар ва афзалликларини баҳолай олиш малакаларига эга бўлганлигиларини тажриба синов ишларининг самарадорлик даражасини белгилайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб амалиётнинг самарали натижага эга бўлишида касбий малаканинг шаклланганлик даражаси қуйидаги кўринишда акс эттирилди:

- Бўлажак тарбиячи шахсий ва касбий фаолиятини фақатгина бир қирраси билан чекланмаганлиги;

- Талаба касбий фаолиятини ўзига хос сифатлар билан уйғунлаштириш.

Тадқиқот жараёнида талабаларни касбий фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи бир қанча фаолият турлари аниқланди. Ушбу фаолият турларини шакллантиришга қаратилган тадбирлар 1-босқичдан бошлаб йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ деб белгиланди. **1.Ижтимоий ташкилотчилик фаолияти** бўлғуси тарбиячиларда бирор мақсадни қўйиш, режалаштириш, тарбиявий ишнинг энг самарали усулларини танлаш олиш ва шунга мувофиқ топшириқ бериш кўникмасини: унинг бажарилишини ташкил этиш, жамoa иши натижаларини таҳлил қилиш, уни янада такомиллаштириш йўллари кўра билиш кўникмасини шакллантиради. Ижтимоий ташкилотчилик амалиётчини ўз қабилитини бошқара олиш ва бошқалар ҳаракатига раҳбарлик қила олишга ўргатади.

Мақтабгача таълим муассасаларидаги фаолиятни самарали ташкил эта олиш мақсадида бўлажак тарбиячи учун зарур бўлган касбий фаолият малакалари ишлаб чиқилди.



- **Маданий оммавий ишлар** талабаларнинг бадий ҳаваскорлик тўғаракларида, турли клублар ва студияларда қатнашишни, мунозаралар, учрашувлар, кўнгил очар уйинларни ташкил этиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Маданий оммавий ишлар бўлғуси тарбиячиларнинг эстетик дидини тарбиялайди, қобилиятларини ривожлантиради, билим даражасини кенгайтиради, болалар билан маданий- оммавий ишларни уюштириш кўникмасини шакллантиради. Бунинг барчаси талабаларнинг соғлигини мустаҳкамлашга, жисмоний ривожланишларига ёрдам беради, матонатли бўлиш, қатъиятли, чидамли бўлиш каби педагогик иш учун зарур бўлган ташкилотчилик ва ижтимоий активлик фазилатларини тарбиялашга ёрдам беради.

- **Бўлажак мутахассисларнинг касбий маданий муносабатларини** шакллантиришда ижтимоий-психологик муносабатлар билан ижтимоий

педагогик муносабатларнинг уйғунлиги. Бундай ёндашув талабаларни касбий фаолиятга тўғри ва оғли муносабат руҳида тарбиялашга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот ишлари жараёнида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда қуйидаги камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Маълумки, айрим олий ўқув юртларининг битирувчилари ўз ихтисослигига оид махсус ўқув фанларидан бир-бирига боғланмаган, лавҳалар шаклида билимларга эга бўлганликлари сабабли ўз илмий фаолиятларида учрайдиган мажмуавий вазифаларни оптимал ечимларини топишга қийналмоқдалар. Шунингдек, улар мустақил тарзда илмий фаолиятга кириб келишга ҳам тайёр эмас. Таълимнинг фаол усулларидан етарлича фойдаланмаслик оқибатида мазкур муаммолар келиб чиқмоқда. Юқоридаги камчиликларни олдини олиш мақсадида тадқиқотнинг 2-босқичида талабаларининг педагогик амалиёти жараёнида уларнинг касбий фаолият малакалари ҳақидаги муносабатларини аниқлаш учун қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинди:

1. Касбий фаолият малакаси ҳақида нималарни билдингиз?
2. Касбий фаолият малакаларини асосий турлари қайсилар?
3. Сиз бошқа курсдошларингиздан амалий фаолият жараёнининг қиёслашда қандай афзаллик ва камчиликларини сездингиз?
4. Бўлажак тарбиячи қандай маънавий-ахлоқий касбий малакаларга эга бўлиши лозим деб ҳисоблайсиз?

Юқоридаги саволларга берилган жавоблар асосида, таълим муассасаларида ўқитилаётган мутахассислик фанларидан берилаётган билим ва кўникмаларни касбий фаолият жараёнида қўллашга мўлжалланган методларини такомиллаштириш ва ривожлантиришга эътибор қаратилиши лозимлиги аниқланди. Бу эса мутахассислик фанлари мазмунларини ва таълим технологияларини интеграциялаш зарурлигини таъкидлайди. Бунда интеграция натижасида ҳосил бўлган билимларнинг турли кўринишидаги умумийликлардан ҳосил бўлган билимларнинг турли кўринишидаги умумийликлардан ҳосил бўлувчи қонун қоидалари билан табиат дидактикасига чуқурроқ киришга шароит яратди. Бу эса турли умумийликларнинг ўзаро кўплаб тушунчалар билан боғланганлигини кўрсатади ва уларни ўрганиш ўқитиш методлари ва уларнинг илмий натижалари билан амалга оширилади. Чунки машғулотларнинг интеграцияси илмий билимларнинг синтез қилиниши натижасида дунёнинг сир-асрорларини тасаввур қила олиш учун оптимал шароит яратишни кафолатлайди. Бу жараёнларда таълим беришнинг янги самарали технологияларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишда ўзининг ижобий педагогик афзалликларини кўрсатмоқда.

Малакавий амалиёт самарадорлигини ошириш мақсадида касбий фаолиятга тайёрлаш борасида талабалар билан олиб борилган суҳбат, тренинг, маъруза, турли хилдаги дебатлар, маънавий-маърифий тадбирларнинг натижасига кўра шакллантирувчи тажриба-синов жараёни куйидаги боскичларга ажратилди:

1-боскич: амалиётга мослашув даври.

2-боскич: амалиёт дастури асосида талабаларни касбий фаолиятга оид амалий билим малакаларга эғалик даври.

3-боскич: амалиётнинг якуни ва эришилган самарали кўрсаткичлар.

Ҳар бир боскич юзасидан талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш самарадорлик кўрсаткичлари куйидагилар асосида аниқланди :

1. Бўлажак тарбиячи ўз фаолияти жараёнида мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, катта тарбиячилари, услибиётчилари фаолиятини ўзлаштириши ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятини режалаштириш малакасига эғалиги;
2. Мактабгача таълим муассасаларида ўтказиладиган машғулотларни “Илк қадам” давлат ўқув дастури ва ҳозирги замон дидактикаси талаблари асосида ташкил эта олиши.
3. Педагогик саводхонлиги, ҳужжатларни тартибли бажара олиш ва тўғри расмийлаштириши.
4. Гуруҳ раҳбари ва методистларнинг кўрсатмаларига амал қилиши.
5. Мактабгача таълим муассасалардаги машғулотлар ўтказиш жадвалига риоя қилиши. Кундалик режани расмийлаштириши.
6. Машғулотлар жараёнида болаларни ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолай олиши.
7. Амалиётчининг ташаббускорлик, интизомлилик ва касбига хос ахлоқий сифатларни ўзида мужассамлаштирганлиги.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишларини амалга оширишда белгиланган 2- боскич ишларини ташкил қилишда, дастлаб амалиётчиларни педагогик, психологик ва методик манбалар билан таъминлаш, уларни мустақил фаолиятга жалб этиш муаммосига эътибор қаратилди. Тажриба-синов гуруҳларида талаба-амалиётчилар фаолияти ЎзРХТВнинг ММХҚТМОР марказидаги бир гуруҳ олим, методистлар яратган методик тавсиялар асосида ташкил этилди.³¹ Бу жараёнда амалиётчи-талабалар ўзларига бириктирилган гуруҳларда таълимий-тарбиявий фаолиятни режалаштирдилар. Бунда респондентлар тарбиячилик фаолияти учун керак бўлган куйидаги ҳужжатларни расмийлаштирдилар:

³¹ Мактабгача таълим муассасида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш. Т.: 2011- 4 6.

1. MTM машгулотлар жадвали.

| № | Машгуот номи | Илк 1-2 ёш. | Кичик 3-4 ёш | Ўрта 4-5 ёш. | Катта 5-6 ёш. | Тайёрлов 6-7 ёш. |
|-----|---|-------------|--------------|--------------|---------------|------------------|
| 1. | Атроф олам билан таништириш | 0.5 | 1 | 1 | 2 | 2 |
| 2. | Табиат билан таништириш | 0.5 | 0.5 | 0.5 | 0.5 | 0.5 |
| 3. | Таълимий ўйин машқлар | 1. | - | - | - | - |
| 4. | Нутқ ўстириш | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 |
| 5. | Саводга тайёрлаш | - | - | - | - | 1 |
| 6. | Бадий адабиёт билан таништириш | 0.5 | 0.5 | 0.5 | 0.5 | 0.5 |
| 7. | Илк математик тасавурларни шакллантириш | - | 1 | 1 | 1 | 2 |
| 8. | Расм | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| 9. | Апликация | 0 | 0.5 | 0.5 | 0.5 | 0.5 |
| 10. | Куриш – ясаш (кўл меҳнати) | 1 | 0.5 | 0.5 | 0.5 | 0.5 |
| 11. | Лой иши | 0.5 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 12. | Мусиқа | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| | Жами | 10 | 12 | 13 | 14 | 15 |

Амалиётни самарали ташкил этиш мақсадида амалиётчи-талабалар мактабгача таълим муассасасининг машгулотлар ўтказиш режасини ўрганиш ва таҳлил этишга сафарбар этилдилар. Ҳар бир амалиётчи талабалар жадвал асосида турли гуруҳларда машгулотларни тажриба-синов асосида ташкил этдилар. Ўтказилган машгулотлар таҳлилига кўра Жиззах ДПИ, Наманган ДУ ва Андижон ДУ “Мактабгача таълим” йўналиши талабалари томонидан олиб борилган машгулотларнинг барчаси деярли, “Мактабгача педагогика ва методика” фанларидан олинган билимлар асосида педагогик технологиялар талабларига мувофиқ ташкил этилди. Амалиётчи-талабаларнинг машгулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш малакаси қуйидаги кўрсаткичлар орқали таҳлил қилинди:

- Машгулотларга ишонч билан тайёргарлик кўриши;
- Ўзини тарбиячи сифатида ҳис этиши;

- Нутқ равонлиги, болажонлиги, болаларни фикирлашга чорлай олиши;
- Болалар жамоасини бошқара олиши;
- Машғулот мазмунинг моддий ва маънавий ҳаёт билан уйғунлиги;
- Қадриятлардан унумли фойдаланиш;
- Янги педагогик усуллардан унумли фойдаланиш.

Амалиётчи-талабалар томонидан ташкил этилган “Наврўз байрами”, “Миллий хунармандчилик билан таништириш”, “Ким билимдон”, “Геометрик шакллар мамлакатига учар шарда саёҳат” мавзуларидаги машғулотлар Наманган шаҳридаги 6 ва 66-сонли ҳамда Андижон вилояти Избоскан туманидаги 35-37-сонли мактабгача таълим муассасаларининг катта гуруҳ болалари билан ўтказилган бўлиб, юқоридаги талаблар асосида ташкил этилган машғулотлар сирасига киради.

“Наврўз байрами билан таништириш” мавзусидаги машғулот амалиётчи талаба томонидан ўтказилди.

Машғулотнинг мақсади: “Наврўз байрами” акс эттирилган сурат асосида миллий қадриятимиз саналган наврўз байрами ҳақида болаларга тушунча бериш, суратга қараб мазмунли хикоя тузиш орқали нутқини ўстириш.

Вазифалар: Тарбиячининг режаси асосида шахсий ҳаётда бўлган воқеаларни хикоя қилиб, сўзлаб беришга ўргатиш; грамматик жиҳатдан тўғри тузилган жумлалар билан савол бериш ва жавоб бериш малакаларини фаоллаштириш; “сумалак”, “халим”, “палов”, “кўк сомса” тайёрлаш мавзулари орқали болаларнинг луғат бойлигини орттириш; нутқнинг равон ифодаланишини тарбиялаш.

Кутилаётган натижалар: Болалар машғулот орқали “Наврўз байрами” ва “Наврўз таомлари” ҳақидаги билимларга эга бўладилар; мустақил хикоя тузиш малакалари шаклланади, нутқий маданияти ривожланади.

Керакли жиҳозлар: “Наврўз байрами” акс эттирилган сурат.

Машғулотнинг бориши: Наврўз байрами акс этган сурати илиб қўйилади ва мазмуни бўйича суҳбат ўтказилади.

Тарбиячи: Болалар яқин кунларда қандай байрам бўлиб ўтди?

Болалар: наврўз байрами.

Тарбиячи: Жуда тўғри. Биз аввал “Наврўз байрами”ни боғчада ўтказдик.

Наврўз эрталиги жуда кизиқарли бўлди. Саҳий. қувноқ Баҳорой бизга совга-саломлар берди.

Тарбиячи болалар эътиборини “Наврўз байрами” тасвирланган суратга тортади ва қуйидаги саволлар билан уларга мурожаат қилади:

- Суратда қайси байрам тасвирланган?
- “Наврўз байрами” қачон нишонланади?

- “Наврўз байрами”ни одамлар қандай нишонлайдилар?
- Суратда қандай урф-одатлар ифодаланган? (Дошқозонда сумалак пишириляпти, кишилар ўз яқинлари билан хамжихатликда байрамни кутиб оляптилар, болалар варрак учиряптилар, карнай-сурнай наволари чалиняпти).

- Наврўзда табиатда қандай ўзгаришлар кўряписиз?

- Сумалакни кимлар пиширяптилар?

- Сумалак пиширишга кимлар ёрдам беряптилар?

Болаларнинг юқоридаги саволларга берган жавоблари олингандан кейин шу жавоблар асосида уларни ҳикоя тузишга йўналтирилади.

Болалар юқорида ишлатилган сўзлар асосида “Наврўз байрами” ҳақидаги ҳикояни тузишга киришадилар.

Сўз ва ҳаракатни уйғунлаштирувчи машқлар: “Чучвара” шеърини ҳаракат орқали ёдлаш.

Якшанба кун эрталаб,

Чучвара қилмоқчи эдик.

Тоғарага ун солиб,

Кетидан сувни қуйдик.

Тухум чакиб хамирга,

Яхшилаб муштлаб олдик.

Ўштли тугма тугамиз,

Тузли сувни қайнатиб,

Чучварани соламиз.

Дўстлар келгач биз уни

Дастурхонга тортамиз.

Барча дўстлар келишди,

Чучварани ейишди.

Бизга раҳмат айтишиб,

Уйларига қайтишди.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. “Наврўз байрами” қачон байрам қилинади?

2. “Наврўз байрами”ни одамлар қандай нишонлайдилар?

Машғулотни яқунлаш: Машғулотда фаол иштирок этган болаларни рағбатлантириб, машғулот яқунланади.

“Ким билимдон” мавзусида ўтказилган машғулот ишланмаси

Машғулотнинг мақсади: Болаларда ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, нуткий одоб қондаларига риоя қилишга ўргатиш, ўйин орқали ўзбек алифбосидаги ҳарфлар ва сонлар ҳақида тушунча бериш, уларни эркинлиги ва ижодкорлигини таъминлаш.

Машғулотнинг вазифалари:

- Машгулот оркали болаларни нуткий одобга ўргатиш; саломлашиш одоби, бир-бирига сизлаб мурожаат қилиш, “кечирасиз”, “рахмат”, “мархамат”, “хўп бўлади” каби сеҳрли сўзлардан фойдаланиб нутқини баён қилишига ундаш.
- Халқ мақолларидан намуналар келтириш оркали болаларнинг ижодкорлиги ва эркинлигини таъминлаш.
- “Бу қандай харф?” ўйини оркали янги ўзбек алифбоси харфларини таниб айта олиш, тўғри талаффуз қилиш, сўзларни бўғинларга ажратиш, сўзлардан гап тузиш, тез айтиш, шеърларни ёдлаб бериш малакаларини шакллантириш.
- Сон санок малакасини ўстиришда 20 сонигача ўнг ва тескари санаш, аралаш сонларни тартиб билан жойлаштириш, 7та тугмачани пайпаслаш оркали сезги идрок этиш малакасини ривожлантириш, тест оркали 10 сонини ҳосил қилиш вазифаларини амалга ошириш.

Машгулотнинг жихози: Одан 20гача бўлган сонлар расмлари, сеҳрли сандиқча, сеҳргар кампир ва тулқивой кийимлари, босма харфлар ифодаланган кўргазма, спорт анжомлари.

Машгулотнинг бориши:

Тулқивой сандиқчани олиб киради.

Тулқи:

- Уф, роса чарчадим, оғир экан. (сандиқни стол устига қўйиб, унинг устига ўтиради). Вой-бу, бу ерда болалар бор эканку, булар ким бўлди? Эҳ аттанг, хей болалар мен бу сандиқни ўғирлаб келдим, биласизларми, ҳозир кўрсатаман қандай қилиб ўғирлаганимни (кўрсатади). Мана шунақа, сеҳргар кампир ухлаб ётган экан, мен олиб қочдим, билмай қолди, зўр иш бўлди-да. Шундайми болалар?

Болалар жавоби: - Ҳой тулқивой яхши иш қилдим деб ўйлама, “Мақтанма ғоз хунаринг оз” деган мақолни эшитганмисан? Сен бировни нарсасини, сандиқини ўғирлабсан, бу яхши иш эмас. “Тўғри ўзади, ўғри озади” деган мақолни мағзини чақсанг яхши бўлар эди.

Тулқивой: - Ким олади, ким озади, ким тўзади нима ишинг бор, бор-э.

Бола: - Тулқивой жуда одобсиз экансан! Бу ердан тезроқ кет, боғча опамиз одобсизларни ёмон кўрадилар.

Тарбиячи: - Жуда ҳам тўғри, мен одобли, ақлли, доно, билимли болаларни яхши кўраман. Бизнинг болаларимиз ана шунақа болалар. Ундан кейин эшиқдан кириб келганда нима дейиш керак, бу сўзларни биласанми?

Тулқивой? – Йўқ.

Тарбиячи: - Бу жуда керакли ва ёқимли сўз: “Ассалому алайкум” дейишинг керак эди. Болалар бу сўзнинг маъносини ким айтиб беради.

Бола: - “Салом” шеърини ўқиб беради.

Тарбиячи: - Баракалла! Энди тулқивой бу сандикни олиб эгасига олиб борасан ва кечирим сўрайсан. Кечирим сўраш энг яхши одат.

Тулқивой: - Йўқ-йўқ бу сандик ичидаги нарсалари билан энди меники! Уни ҳеч кимга бермайман тамом вассалом. Сандик ичида нималар бор экан-а? (эшик тақиллайди).

Тарбиячи:- Ким бўлди? Нозир бўлса-я. (тулки яшириниб олади).

Сеҳргар: - Салом азиз болажонларим. Сизларни олдингизга келиш учун сизларга совга тайёрлаб кўйган эдим, аммо уни кимдир ўғирлаб кетибди. (буви сандикни кўриб қолади), ия ахир бу сандик меники-ку уни ким бу ерга олиб келди?

Болалар: - Тулқивой.

Сеҳргар: - Ўзим ҳам шундай бўлса керак деб ўйлаган эдим. Тулқивой қайерга яширниб олдинг? Қани бу ерга чик. Сеҳргар тулқига қилган иши хунук иш эканлигини тушунтиради. Тулқивой ўз ишидан уялиб болалар ва сеҳргар кампирдан кечирим сўрайди.

Сеҳргар: - Азиз ширинтойларим! Дўмбокларим! Энди сеҳрли сандикни очаман! (мусиқа). Богча опаси менга ёрдам берасизми? Мен болажонларим учун турли туман топишмоқлар олиб келганман.

а) топишмоқлар.

б) 1 ва 7 тугмачани пайпаслаш орқали нечанчи рақам эканлигини топиш ва қайси ҳафта кунни эканини, қандай номланишини айтиш.

в) 20 гача ўнг ва чап тескари санаш, аралаштирилган сонларн тартиб билан жойлаштириш.

г) матнда ишлатилган янги ўзбек алифбосидаги ҳарфларни топинг.

д) қандай сеҳрли сўзларни биласизлар ва уларни қачон ишлатамиз?

д) спорт турларидан парча кўрсатиб, уни айтиб бериш.

Машғулот якуни:

Сеҳргар: Болажонларим сизлардан жудаям хурсанд бўлдим, мен ўйлаганимдан ҳам одобли, ақли, зийрак ва билимдон экансиз. Хайр болажонлар яна учрашгунча! (чикиб кетади.).

Машғулотни якунлаш: Тарбиячи машғулотда берилган маълумотларни умумлаштиради, яхши иштирок этган болаларни “Билимдон бола” номи билан рағбатлантиради.

“Миллий хунармандчилик билан таништириш” мавзусидаги ноанъанавий мужассам машғулот ишланмаси

Машғулотнинг мақсади: Болаларни ўзбек миллий хунармандчилиги ҳисобланган дўппидўзлик хунари билан таништириш, дўппи турлари, дўппи тикувчи чеварлар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш. Сухбат орқали катталарни меҳнатини кадрлаш ва улардан ибрат олишга ўргатиш. Қўл

меҳнати бўйича эгаллаган кўникмаларини янада мустаҳкамлаш. Болалар лугат бойлигини “дўппидўз”, “ишпеч”, “тепа-тезак”, “пилла” сўзлари оркали бойитиш. Болаларни жисмонан чиниктириш, шакллар ҳақидаги математик тасавурларини мустаҳкамлаш.

Машгулот жиҳози: дўппи нусхалари, мўйқалам, қоғоз, кайчи, турли хил ипақлар, игна, ангишвона, пилта уриш учун қоғоз, сим ва ишпеч.

Машгулотнинг бориши:

(Болалар мусика садолари остида, кетма-кет тизилиб, машгулот ўтказиладиган жойга келадилар ва доира шаклида турадилар).

Биринчи бола:

Меҳмон келса хуш деймиз,

Меҳмонхона бўш деймиз.

Аввало салом бўлсин,

Сўнг яхши калом бўлсин!

Ҳамма: Таъзим билан айтамиз, ассалому-алайкум!

Иккинчи бола: (бошида дўпписи бор)

Дўпписини каштасида,

Акс этади тилим ёй.

Тепасида нур сочиб,

Турар гўё сўлим ой.

Дўппи кийган боланинг

Меҳр тўла юраги.

Халкига якин бўлар,

“Ассалом” деган сўзи.

Ҳаммага ҳурматлидир,

Дўппи кийган боланинг

Одоби қимматлидир.

Дўппи кийган болалар,

Ҳаётда униб-ўссин.

Пешонаси яркираб,

Бошларига бахт кўнсин!

Тарбиячи: - Болалар сиз дўппиларнинг қандай турларини биласизлар?

Болалар жавоби: - Гилам нусха, марғилон дўппи, кўкон дўппи... .

Тарбиячи: - Дўппи турлари жуда хилма-хил, уларнинг турлари кўп: окпар, кийикқош, яшил барг, чамандагул, келинчак, пахта нусха, қалампирнусха, атиргул нусха, зардўзи, ироки, чувт дўппи... . Болалар дўппиларни нима учун кийиб юришларини биласизми? Чунки, дўппилар бошни ёзда офтоб нурларидан, қишда эса совуқдан асрайди. Дўппининг хислатларини қадим замонлардан бошлаб ота-боболаримиз билишган, ҳозирги кунда эса тиббиёт олимлари ҳам дўппининг фойдали томонларини исботлаб беришган.

Дўппининг тепасига коғоздан пилта урилади, шу коғоз бошни иссиқ-совуқдан сақлайди.

Ўйин: “Ким олади шугинани?” ўйини орқали ўғил болалар эгилиб дўппини олишга ҳаракат қиладилар.

Тарбиячи: Болалар, тикувчи-чеварлар меҳнатини кўз олдимишга келтириб кўрамиз. Бу меҳнат машаққатли бўлиб, дўппидўзлар ҳар бир гулга юрак ҳароратини берадилар, бор маҳоратини, дидини ўз меҳнатлари орқали акс эттирадилар. Ўтган меҳнат машғулотларимизда биз сиз билан дўппи турлари билан танишганмиз. Ҳозир ўтган машғулотларимизда олган билимларимизни бойитиш мақсадида дўппидўз Башорат бувиникига борамиз.

Буви хонадони : (қадимий усулда безатилган уй, хонтахта атрофига кўрпачалар солинган, тўрда эса Башорат буви ўтирибди).

Болалар: - Ассалому алайкум!

Буви: - Ваалайкум ассалом! Келинлар қорақўз болажонларим! Вой бўйларингиздан бувингиз айлансин, қоқиндикларим!

Тарбиячи: - Бувижон бугун сизни зиёрат қилиб, суҳбатлашгани келдик.

Буви: - Жуда яхши қилибсизлар. Бошим кўкка етди.

Тарбиячи: - Бувижон мана шу болаларга хунарингиз сирларини сўзлаб берсангиз.

Буви: - Жоним билан, болам. Мана сизга ўхшаган болалар ва катталарга тиккан дўппиларимдан нусхалар олиб қўйган эдим, кўриб, томоша қилинлар.

Болалар: - Вой, жуда ажойиб экан! Мана бу дўппининг гуллари жуда чиройли экан.

Тарбиячи: - Ҳа бу гулларнинг нусхаси табиатдан олинган.

Буви: - аввало бу бизнинг миллий кийимимиз. Чет элларда ҳам ўзбек дўппиларини билишади. Бу дўппиларни тикиш учун ипақлар қандай олинишини биласизми?

Болалар: Ҳа биламиз, пилладан ипақ олинади.

Буви: - Тўғри. Пилла – тут дарахти барглари билан боқиладиган ипақ куртининг маҳсули. Қадим замонлардан то ҳозирги кунимизгача пилла курти боқилиб, ундан ипақ толалари олинади. Шу ипақдан чиройли гуллар туширилган дўппилар, турли каштачилик ишлари тикилади. Оналаримиз, опаларимиз яхши кўриб кийиб юрадиган атлас ҳам ипақдан тўкилади. Халқимиз меҳмондўст халқ, агар уйга меҳмон келса, унга албатта тўн билан дўппи кийдирилади.

Дўппи тикишни менга онам ўргатганлар. Мана бу қўлимдаги мато тепа билан кизак. Тепа билан кизакка турли хил гуллар тикилади. Сўнгра мато олиб уни тепчилаймиз. Тепчиш, пилт тайёрлаш учун бизга пилтақаш, қоғоз керак бўлади. Пилта урганимиздан кейин уни қотириш учун елим сурқаймиз.

Буларнип бажариб бўлганимиздан сўнг тепа билан кизак ҳамда тепчиб пилта урилган таглик кўшиб тикилади. Оддийгина кўринган дўппи шунча меҳнат талаб килади.

Болалар энди сизларга дўппи тарихи билан боғлиқ ривоятни айтиб бераман. Ривоят қилишларича, қадим замонда бир олим осмон сирларини кузатаётган вақтда бир доно кизни чорлаб, осмон гулини томоша қилишга таклиф этади. Қиз осмонга қараб ажойиб манзарани кўради. Ой, юлдузларнинг жойлашиши гўёки тўнқариб қўйилган дўппини эслатган. Шундан сўнг киз олган тассуротларини дўппида акс эттирган экан. Дўппининг тепаси 4 бўлак бўлиб, у дунёнинг 4 томонини тасвирлайди. Кузаги эса худди ер юзидаги сувни ва тоғларни акс эттиради.

Болалар: - Раҳмат бувижон! Қизиқарли сўхбатингиз бизни хурсанд қилди.

Тарбиячи: - Болалар дўппи тикиш сирларини ўрганиб олдилар. Энди улар ҳам ўз ҳунарларини сизга намойиш қилишмоқчи. Қани марҳамат болалар.

Математикага оид саволлар:

1. Қани айтингчи болалар дўппи қандай шаклда?
2. Эркаклар дўпписининг нечта томони бор?
3. Кузагида нечта гули бор?
4. Гармдори нусха шакли нечта экан?
5. Ярим доира шакли нечта экан?
6. Жами нечта томон ва нечта шакл бор?

Берилган саволларга болалар жавоб берадилар.

Тарбиячи: болалар ҳозир биргаликда қўйидаги шеърни ёд оламиз.

Бошимдаги дўппини,

Онам тикиб бердилар.

Ҳамма дугоналарим,

Бир-бир кийиб кўрдилар.

Чеварлар-ки дейишди,

Онамни улар бари.

Мен ҳам чевар бўламан,

Худди онам сингари.

Машғулот “Дўппи танлаш” ўйинини ўйнатиш орқали якунланади.

Амалиёт жараёнида талабалар томонидан ташкил этилган кўплаб тарбиявий тадбирлар методик жиҳатдан тўғри ташкил этилган бўлиб, болаларда тарбиянинг мақсадга йўналтирилган бирор турини шакллантиришга хизмат қилди. Тажриба синови ишлари жараёнида респондент талабалар томонидан ташкил этилган машғулотларнинг ўтказилишида уларнинг ўз фаолиятларини баҳолашга бўлган муносабатлари қўйидагича аниқланди:

1. Машгулотларни тайёрлашда қандай қийинчиликларга дуч келдингиз ва уларни қандай енга олдингиз?
2. Машгулотларни жиҳозлаш технологиясига сизнинг муносабатингиз?
3. Машгулот олдига қўйилган мақсадга эришдингизми?
4. Машгулотларингиз болаларга қизиқарли бўлдими?
5. Сиз томонингиздан қўйилган камчиликларни сабаби нимада?

| Саволлар тўплами | Тажриба гуруҳи респондентлар сони 80 та | | Назорат гуруҳи респондентлар сони 20 та | |
|------------------|---|------|---|------|
| | юқори | паст | юқори | паст |
| 1-савол | 54 | 10 | 33 | 11 |
| 2-савол | 34 | 42 | 18 | 26 |
| 3-савол | 40 | 48 | 21 | 43 |
| 4-савол | 23 | 41 | 26 | 31 |
| 5-савол | 19 | 46 | 23 | 41 |

Респондент талабаларни малакавий амалиётни дастлабки давридаги касбий фаолиятга бўлган муносабатларини таҳлили асосида талабаларни дастлабки фаолиятга кириш имкониятлари ўрганилди ва уни такомиллаштириш шарт-шароитлари яратилди.

Тажриба – синов ишларини кейинги даври амалиётни ташкил этиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Методист раҳбар томонидан олиб борилган суҳбат ишланмаси:

| | |
|---|---|
| Мавзу: | МТМларда таълим-тарбия жараёнининг технологик ишланмаси |
| Кўзланган мақсадни амалга оширишга оид қўйиладиган вазифалар: | Бўлажак тарбиячиларни АПТ олган назарий билимларини амалиётга тадбиқ қилиш малакаларини шакллантириш. |
| | <ol style="list-style-type: none"> 1. МТМларда ўқув тарбия фаолиятини ташкил этишда ПТ да фойдаланиш. 2. МТМ компьютер, видео тасмалардан фойдаланиш усулларига амал қилиш; 3. Талабаларни амалиёт жараёнини |

| | |
|-------------------------------------|---|
| | <p>технологиялаштиришга ўргатиш усуллари;</p> <p>4. Тарбиячининг нутқ маданияти ва техникаси.</p> <p>5. Амалиёт жараёнини такомиллаштиришда талабани ижодий фаолиятининг мазмуни;</p> |
| Қўлланадиган методлар ва воситалар; | БББ, видео лавҳалар, педагогик вазият, ҳамда илғор тажрибалардан намуналар келтириш кундалик ахборот материаллари. |
| Кутиладиган натижа: | Амалиётчи талабалар мустақил равишда иш фаолиятини режалаштириш, машғулотлар ишланмалари мазмунига мос ПТ усулларини танлаш. “Мен” Концепцияси асосида ўзини мустақил тарбиячи деб ҳис этиш |

Тажриба-синов ишлари жараёнида талабаларни амалиёт жараёнида олиб борган мустақил фаолиятлари таҳлилига кўра 132 нафар талаба орасида 30 нафари мустақил фаолиятга тайёргарлик даражаси паст эканлиги аниқланди. Бу талабаларнинг амалиёт фаолиятидан қониқмаслигига қуйидагилар сабаб деб топилди:

- Амалий, семинар машғулотларда фаол қатнашмаганлик;
- Ўз касбига қизиқишнинг пастлиги сабабли касбий маҳоратга эга эмаслиги,;
- Машғулот жараёнида янги педагогик усуллардан ўринли фойдалана олмаслик;
- Керакли адабиётлардан етарли фойдаланмаслик.

Тажриба-синов жараёнида талабалар фаолиятида кузатишган юқоридаги камчиликларни йўқотиш мақсадида мазкур талабалар билан услубийчилар томонидан индивидуал машғулотлар ташкил этилиши натижасида ижобий ўзгаришларга эришиш имкони туғилди.

Тажриба-синов ишининг навбатдаги босқичида талабаларни мактабгача ёшдаги болаларни ривожланиш кўрсаткичларини баҳоловчи назоратни амалга ошириш малакаларини шакллантиришга эътибор берилди. Бу борада мактабгача таълим муассасалари услубчилари М.Расулова, М.Файзуллаева, З.Раҳмонқулова ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган “Мактабгача ёшдаги

болаларнинг ривожланиш кўрсаткичларнинг таҳлил қилиш учун мезонлар”³² номли услубий кўрсатмаларига таянилди. Унда ҳар бир гуруҳ ёшидаги болаларни ёши психологик хусусияти, билиш қобилияти асосида оралик назорат варақаларни ишлаб чиқилган бўлиб, болаларда юксак маънавий ахлоқий сифатларни шакллантириш ва ижтимоий ҳиссий ривожланишга қаратилган 3-4 ёшли боланинг оралик назорат варақаси ўрганилиб, тажриба синов жараёнига татбиқ этилди.

Оралик назорат варақаси 3-4-ёшли болалар учун қуйидагича шакллантирилган:

1. Жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена.
2. Ижтимоий ҳиссий ривожланиш.
3. Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик.
4. Ақлий ривожланиш. Элементар математика билим ва кўникмалари.
5. Атроф олам тўғрисида билимлар.
6. Тасвирий фаолият.
7. Мусиқий таълим тарбия.

Оралик назорат варақасини амалда қўллашда амалиётчи талабалар машғулотларни интеграциялаш орқали амалга оширдилар.

Тадқиқот доирасида бўлажак касб эгасининг, кундалик фаолиятини таҳлил қилиш малакасига эга бўлишига эътибор қаратилиб, бу масала юзасидан семинарлар ташкил этилди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида амалиётчи-талабалар ўзларига бириктирилган гуруҳ болалари билан ахлоқий мавзуларга оид “Ким одобли”, “Кийиниш одобли”, “Кўчада юриш одобли” каби тарбиявий тадбирларни ташкил этдилар, болаларни табиат билан боғловчи сайрлар ва гуруҳ хонасида жонли бурчак ташкил қилдилар. Бу тарбиявий тадбирларни ташкил этишда болаларнинг ижтимоий ҳиссий ривожланишга оид белгиланган мезонларга эътибор қаратилди. Бундай ёндашув натижасида ҳар бир гуруҳдаги болаларда шаклланиб бораётган одоб-ахлоқ ва маънавий тушунчалар мустаҳкамланади. Мавжуд камчиликлар тарбиячи ва ота- оналар ҳамкорлигида ва яқка суҳбатларда бартараф этилади.

Тажриба синов ишлари жараёнида талабалар:

1. Таълим тарбия ишларини режалаштириш малакасини эгалладилар.
2. Машғулотларни замонавий дидактика талаблар асосида ташкил қилишга доир билим ва маҳоратга эга бўлдилар.
3. Амалиёт жараёнида болаларда шаклланиб ривожланиб бораётган ўзгаришларни таҳлил қилиш ва баҳолаш малакасига, технологиясига эга бўладилар.

³² Расулова М., Файзуллаева М., Раҳмонкулова З. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш мезонлари. Т.: 2010.

4. Касбий маданият, маҳоратларини ўз фаолиятлари жараёнида кўрсата олдилар.

Педагогик амалиёт жараёнида амалиётчи талабаларнинг режа асосида куннинг иккинчи ярмида ўтказилиши белгиланган ўйин машғулотларини ўтказиш методикаси ва технологияси билан таништириш мақсад қилиб қўйилди. Бу борада ўйинларни ташкил этиш технологиялари, ўйин турлари ва шакллари ёритишга оид маърузалар ташкил этилди.

Тарбиявий тадбирлар жараёнида ташкил этиладиган турли ўйин машғулотларини ташкил этиш ўзига хос технологияни талаб этади. Педагог-олим Р.Ақбарова ўзининг “Болаларни ўсимликлар билан таништирувчи дидактик ўйинлар” рисоласида “Дидактик ўйинлар болалар фикр юритишга, хулосалар чиқаришга ўргатади, болалар диққати, хотираси ва ихтиёрий гидроки ривожланади”³³. деб таъкидлайди. Шу сабабли ўйинларни тартибли ташкил этиш технологиясига эътибор бериш муҳимлиги асосланганлиги.

Тадқиқот жараёнида амалиётчи талабаларнинг “Болажон” таянч дастури талаблари асосида тайёрлаган турли ишланмалари, ташкил этилган таълимий-тарбиявий машғулотларни ўтказиш технологиялари муҳокама этилиб, таҳлиллари олиб борилди ва бу жараёни такомиллаштириш қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Тажриба – синов ишлари олиб борилган Наманган ДУ, Жиззах ДПИ, ҳамда Андижон ДУларнинг “Мактабгача таълим” йўналишлари талабаларининг педагогик амалиётини барча босқичларида узлуксиз ва тизимли ташкил этилиши натижасида бўлажак тарбиячиларнинг касбий фаолиятига оид қуйидаги амалий кўникма ва малакаларга эга бўлганликлари аниқланди:

- Бўлажак тарбиячиларда танлаган касбини моҳиятини чуқурроқ англашга қизиқиши ва танлаган касбидан гурурланиш ҳиссининг пайдо бўлиши;
- Амалиёт жараёнида мактабгача таълим муассасалари режасига мослаштириш ва ўз гуруҳидаги иш фаолиятини янада такомиллаштиришга ижодий ёндошиши;
- Болалар билан маънавий муносабатларини тўғри амалга ошириш: одоби, нутқ маданияти, тарбиячи сифатида ўзини мустақил ҳис этиши ҳолатларининг шаклланиши бошланиши.
- Тарбиячилик фаолиятига хос ҳужжатларни расмийлаштириш малакасига эга бўлиши;
- Касбий малакаларни шакллантиришга имкон яратувчи амалиётдаги барча шарт – шароитлардан унумли фойдаланишга интилиши яққол намоён бўлди.

³³ Ақбарова Р. Болаларни ўсимликлар билан таништирувчи дидактик ўйинлар. Т.: 2006 й.-33 бет.

Тажриба – синов жараёнида олиб борилган илмий изланишлар, бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда амалиётнинг мазмуни ва уни ташкил этиш технологияларининг ишлаб чиқилиши ва амалиётда синовдан ўтказилиши натижасида бўлажак талабаларда касбий, лаёқат, касбий малака, касбий бурч ва маъсулият, тарбиячига хос маънавий - ахлокий сифатларни шаклландириш даражасини аниқлашга имкон яратилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Узлуксиз таълимнинг биринчи босқичи бўлган мактабгача таълим ёшидаги болаларни таълим-тарбияси жуда мураккаб бўлганлиги сабабли талабаларни бу касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиётни тизимли ташкил этиш ижобий натижа бериши аниқланди.
2. Узлуксиз педагогик амалиётни ташкил этишда талабаларни касбий фаолиятга йўналтирувчи тарбиявий тадбирларнинг тартибли ташкил этишга эҳтиёж сезилди.
3. Мактабгача таълим муассасаларида яратилган шарт-шароитлар талаб даражасида эмаслиги натижасида таълимий, тарбиявий машғулотларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишда баъзи қийинчиликларни юзага келишига сабаб бўлди.
4. Малакавий амалиёт икки босқич асосида ташкил қилинди:
 1. Мактабгача таълим муассасаларида таълим тарбия жараёнини самарали ташкил қилиш;
 2. Мактабгача таълим муассасалари бошқаруви фаолиятини ўрганиш;
Бу жараёнда бўлажак тарбиячилар мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, методист ва мудирасининг иш режаси ва фаолияти ҳақида билимга эга бўлдилар, болаларнинг ривожланиш рейтинг варақаларини ўрганиб, унда кўрсатилган мезонларни кўрсаткич даражасини таҳлил қилиш малакасига эга бўлдилар.
5. Тадқиқот жараёнида “мактабгача таълим” йўналишидаги талабалар бир қатор қийинчиликларга дуч келдилар:
 - Тарбиячилар фаолиятининг “Учинчи минг йиллик боласи” дастури асосида ташкил қилишга мослашганлиги. Уларнинг “Болажон” таянч дастури асосида фаолият юритишга мослашмаганлиги.
 - Талабаларнинг кузатилган машғулотларни кенг таҳлил қилиш малакасига эга эмасликлари.
 - Талабаларнинг амалиёт жараёнининг 70% ни амалиёт ҳужжатларини расмийлаштиришга сарф қилаётганликлари.Юқоридаги ҳолатлар педагогик амалиётни самарали ташкил этишга имкон бермаслиги аниқланди.

ГЛОССАРИЙ

Касб –

Муайян билим ва махорат талаб этадиган меҳнат фаолият тури. Унга умумий ёки махсус маълумотлар ҳамда амалий тажриба йўли билан эришилади.

Креатив –

Ижодий.

Критерий (мезон) –

Бирор ходисага баҳо бериш учун ёки бирор нарсани туркумлаш (классификация қилиш) учун зарур белги; баҳолаш ва фикрлаш учун ўлчов.

Кузатиш –

Ўрганиш лозим бўлган педагогик ходисани маълум мақсад нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда кузатувчи кузатиш баённомасини олиб боради. Кузатиш объектига оид бўлган аниқ далилли материал тайёрланади. Кузатиш белгиланган аниқ режа асосида олиб борилади

Кузатувчанлик қобилияти –

Талабанинг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира олиш қобилияти, талаба шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанликдир.

Кўникма –

Малаканинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатнинг айрим қисмларини ниҳоятда тез, аниқ ва мақсадга мувофиқ равишда ўз-ўзидан бажарилиш қобилиятини ифодалайди ва талабаларда кўп марта такрорланадиган машқлар натижасида юзага келади.

Маданий мерос –

Авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, ахлоқий, илмий, тафақурий, диний ва руҳий қарашлар, халқ маданияти ва ижоди каби моддий ҳамда маънавий бойликлар мажмуи.

Малака –

Онгли равишда бажариладиган ишнинг бир хил меҳнати, кўп марта такрорланадиган, автоматлашиб кетган таркибий элементидир.

Маориф –

Таълим соҳасидаги минг йиллик маданиятимиз хазиналарини жамлаган эски ёзувни ўрганиш ҳам дидактик таълим мазмунидаги янгиликдир

Мафкура -

(арабча “мафкура”- нуктаи назарлар ва этикодлар тизими, мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва гоёлар мажмуи.

Машгулот ўтказишнинг фаол шакллари –

Талаба ва ўқитувчи фаолиятининг ўзаро таъсир этишини муҳокама қилишига мўлжалланган таълим жараёнини ташкил этиш шакллари.

Маълумот -

Ўқитиш жараёни ва унинг натижаси ҳисобланиб, талабада билим, иқтидор ва кўникмаларнинг ўзлаштирилганлиги, билиш қобилиятининг ўсганлиги ва улар асосида илмий дунёқараш, шахсий сифатлари шаклланганлиги, уларнинг ижобий кучлари ва қобилиятларини қай даражада ривожланганлигини англатади. У икки маънода ишлатилиб, иккиси ҳам педагогикага тегишли:

1. Хабар – ўқитиш жараёнини амалга оширувчи восита. Билимли кишиларнинг унга талабдор бўлганларга билим бериши, етказиши. Маълум қилиш деб, тил ва кўргазмалар ёрдамида уни бошқаларга билдиришдир. 2. Билим даражаси. Ўқиш, билиш, борликдан объектив мавжуд қонуниятларни ҳис қилиш натижасида олинган билимлар йиғиндиси – паст маълумотли, ўрта ва юқори маълумотли ва ҳоказо.

Маънавият –

Арабча “маънавият” – маънолар мажмуи, “маъно” ёки “маънавиятун”, “маънавий гоё” сўзларидан олинган бўлиб, “руҳий ҳолат” деган маънони англатади. Кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний тасаввурлар, тушунчалари яқин ва улар бир-бирларини тақозо этадилар.

Маърифат-

(арабча “арафа”- “билмоқ” сўзидан) – таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ҳоғлар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият.

Маҳалла -

(Арабча “маҳалла” – жой, ўрин, макон) – Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, уюшма.

Маҳорат -

Турли малакалардан ишончли, ижодий равишда фойдаланиш ҳамда касбий малакалар ривожланишининг юқори даражаси ва касбий таълимнинг мутлоқ мақсадидир. Маҳорат – бу мураккаб ишни тез, аниқ бажаришнинг енгиллиги, меҳнатнинг юқори сифати ва барқарор ритми учун қафолат берувчи ишончлиликдир.

Меҳнат -

Кишиларнинг қобилиятини амалга ошириш жараёнидир.

Меҳнат тарбияси –

Талабаларни умумий меҳнат билимлари ва ижтимоий фойдали меҳнат малакалари билан қуроллантириш. Меҳнатсеварлик, меҳнатнинг ҳар хил шаклларини тавсия этиш қобилиятини намоён этиб, тадбиркорлик ва ижодий ёндошувни намоён этиш хусусиятларининг эгаси сифатида шакллантириш.

Миллат -

(арабча “миллат”- халқ) – кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит худудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги.

Миллий анъаналар -

Миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар, хусусиятлар, фаолият турлари, одатлар ва ҳислатларнинг авлоддан-авлодга ўтиш ҳамда мерос бўлиб қолиш тарзи.

Миллийлик -

Тарихан ташкил топган барқарор ижтимоий-этник бирликларни, яъни миллатлар ва элатларни бошқа барқарор ижтимоий бирликлардан, масалан, ижтимоий гуруҳлардан фарқловчи томонлар, хусусиятлар, маънавий, рухий ва маданий қирралар ҳамда тафовутлар мажмуи.

Миллий манфаатлар -

Миллатга, миллий давлатга моддий, маънавий, рухий ва жисмоний фойда, наф келтирувчи омиллар.

Миллий онг -

Бевосита ҳар бир миллат ёки элатнинг узок тарихий этногенез даври, турмуш тарзи, иқтисодий ишлаб чиқариш усули, диний эътиқодлари, маданияти, бошқа халқларнинг бевосита таъсири туфайли шаклланган дунёқараши, иқтисодий, сиёсий-ижтимоий ва маданий-маънавий соҳаларда фаоллик даражаси.

Миллий руҳият -

Миллатнинг ички ҳолати, кечинмалари, ҳис – туйғулари, маънавий дунёси, ўй – фикрлари, мақсад ва малакалари ҳамда кайфиятлари билан боғлиқ мулоҳазалар мажмуи.

Миллий қадриятлар -

Миллатнинг ғоялари, қадриятлари, эътиқодлари, маънавий турмуш тарзи, орзу-истаклари, келажак мақсадини ифода этадиган урф одатлар мажмуи.

Миллий руҳият -

Миллатнинг ички ҳолати, ҳис – туйғулари, маънавий дунёси, ўй – фикрлари, мақсад ва маслаклари ҳамда кайфиятлари билан боғлиқ мулоҳазалар мажмуи.

Миллий тил -

Кишиларнинг тарихан ташкил топган барқарор бирлиги – миллатнинг, элатнинг умумий тили. Ўзаро фикр алмашиш, мулоқот воситаси.

Миллий гурур -

Ҳар бир миллатнинг ўз – ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички рухий кайфияти. Миллий гурур мустаҳкам бўлса, миллат вакиллари орасидаги бирлик ҳам кучли бўлади.

Миника -

Ўз фикри кайфияти, сезгисини юз мускуллари ҳаракати орқали акс эттириш санъати.

- Моддий кадриятлар –** Инсониятнинг яшаши, меҳнат қилиши учун зарур бўлган, ижтимоий, иқтисодий талабини қондирадиган барча турдаги нарсалар ва ашёлар йиғиндиси.
- Муаллим –** Муайян фан юзасидан таълим беришга ваколатли, таълим – тарбия бўйича олий, махсус тайёргарликдан ўтган, педагогик ва психологик билим, кўникма, малакаларни ва талаб даражасидаги маҳоратни эгаллаган, таълим-тарбия, усул, восита услуги асосида ўз методикаси, ишлаш қобилиятига эга маънавий етук шахс.
- Муаммо –** Илмий билишни ривожлантириш зарурлигини ифодалашнинг субъектив шаклидир. У муаммоли вазиятнинг, яъни жамият ривожланиши жараёнида билиш ва билмаслик ўртасида объектив равишда вужудга келадиган зиддият.
- Муаммоли вазият –** Талабанинг маълум психик ҳолатидир. Бундай ҳолат маълум топшириқни бажариш жараёнида зиддиятни англаш туфайли вужудга келади.
- Муомала -** Яхшиликка сабаб бўлган ишларда майинлик, ширинсўзлик, ёқимтойлик асосидаги муносабат.
- Мураккаб малака -** Касб маҳоратининг асосини ташкил этиб, билим, бошланғич малака ҳамда кўникмаларни ўз ичига олади ва улар асосида шаклланади. Мураккаб малака шаклланиши шахсда касб маҳоратини пайдо бўлишига имкон яратади.
- Мухит –** Кишига таъсир этадиган ташқи воқелик.
- Нутқ қобилияти –** Нутқ ёрдамида, шунингдек, имо – ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти
- Огоҳлантириш–** Номаъқул хатти – ҳаракатларнинг олдини олиш учун қўлланиладиган восита
- Одат –** Халқларнинг ички муносабатларини тартибга солувчи мезон ва анъаналар мажмуаси. «Одат» сўзи удум, урф, анъана ва маросим тушунчалари ўрнида қўлланилади
- Одоб –** Хулқ-атвор, юриш-туриш маданиятининг ташқи жиҳатини ифодалайди.

- Одоб - ахлоқ -** Шахсдан ўзига ва дунёга муносабатларига олиб борувчи ҳатти – ҳаракатларнинг белгиланган, аниқланган усули бўлиб, сабабият, тасаввурлар ва қарашларни ўз ичига олади, яъни шахс шаклланадиган манба ҳисобланади.
- Оила –** Кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятнинг кичик ҳужайраси, ижтимоий – маданий организм.
- Омил-** Бир гуруҳга кирувчи камида иккита илк маҳсул боисдан ташкил топган аҳамиятли сабабдир
- Пантомимика -** Гавда, қўл, оёқ ҳаракати.
- Педагогик аксиология –** Таълим, тарбия ва шахс ривожланишидаги (педагогик) кадрларни ўрганадиган педагогика бўлими.
- Педагогик жараён –** Маълум бир мақсадга йўналтирилган, катталарнинг педагогик фаолияти таъсирида ташкилий шакллантирилган ва мазмунан бойитилган ҳамда тарбиянинг йўналтирувчи ва олиб борувчи раҳбарлик роли натижасида боланинг ўз-ўзини тараққий эттиришидир.
- Педагогнинг меҳнати –** Бу беҳад изланиш ва азоб-уқубатли кечинмалар, илҳом ва бетакрор нурланиш они. Кўпдан – кўп кундалик ишлар, ҳафсаласи пир бўлиш ва талабалар билан биргаликда бошдан кечирилган қувончдан қаноат ҳосил қилишдир.
- Педагогик рейтинг-** Таълим муассасасларида ўқитувчининг фаолияти, дастури, ўқув режаси, обрўсини баҳоловчи индивидуал рақам кўрсаткичи.
- Педагогик тажриба –** Ўқитувчи томонидан педагогиканинг тамойиллари ва амалий қонунларини ижодий фаол равишда ўзлаштириш ҳамда реал шароитларни, талабаларнинг жамоаси, шахснинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга тадбиқ этишдир.
- Педагогик техника –** Ўқитувчининг ўқув фаолиятида ўқитишдан ташқари зарур бўлган, умумий педагогик малакалар мажмуидан ташкил топади.

- Педагогик қарама – каршиликлар –** Педагогик амалиёт жараёнида вужудга келадиган, эскирган педагогик кўрсатмалар, қарашлар, қонуниятлар ва педагогик жараённинг тарбиявий самарадорлигини пасайтирадиган, шахсни шакллантириш тизимлари билан вужудга келган номувофикликдир.
- Перцепция –** Қабул қилиш, сезиш, объектив борлиқнинг сезги органлари орқали акс этиши.
- Рейтинг –** Ҳодисаларни диагностика (ташхис) йўли билан ўлчаш; фикр ва баҳони танлаш.
- Ривоят –** Ҳаётий уйдирмалар воситасида акс эттирувчи оғзаки ижод жанри.
- Салоҳият-** Аниқ фан йўналишида аниқ ишни самарали бажариш учун зарур бўлган ўзига хос хусусиятни билдиради.
- Сезги–** Кишини ўраб олган моддий дунё, предмет ва ходисаларнинг онгимизда акс этишидир.
- Сиёсий маданият –** Умумий маданиятнинг муҳим тури, жамият аъзолари, миллат, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ҳамда ҳар бир фуқаронинг, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тушуна билиш қобилияти, таҳлил қила олиш даражаси ва сиёсий вазиятга қараб, мустақил равишда ўз ҳатти – ҳаракатларини белгилаш ҳамда уларни амалга ошириш маданияти.
- Сўхбат –** Педагогик мулоқот усулларидан бири; у эвристик, индивидуал, ахборот, мустаҳкамлаш усулларидан фарқ қилади.
- Сўров, сўроқ –** Фақат ўзлаштирилган маълумотларни тиклабгина эмас, балки уни исботлаб ва тушунтириб беришдан иборат.
- Табиат –** Энг муҳим эстетик тарбия воситасидир.
- Талаб –** Таълим ва тарбия жараёнида педагогнинг тарбияланувчига нисбатан шахсий муносабатининг намоён бўлишидир.
- Тақомиллашув –** Қарама – каршиликларнинг бирлиги ва курашувидир, ана шу бирлик ҳамда кураш натижасида рўй берадиган ўз – ўздан ҳаракатланишдир.

Танбех бериш –

Энг энгил жазо чорасидир.

Тарбия -

Кенг камровли тушунча бўлиб, авлоддан-авлодга ижтимоий тарихий тажрибаларни етказиш борасидаги фаолият, шахс шаклланишига узлуксиз, мақсадга мувофиқ, изчил таъсир этиш орқали мустақил ҳаракатга, ишлаб чиқариш, фойдали, унумли меҳнатга тайёрлашдир. Тарбия таълимсиз амалга ошмайди. Таълим беришдан мақсад, унинг изидан тарбия беришдир, яъни таълим орқали эгалланган билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатилади.

Тарбияловчи (таълим) –

Дунёқарашни шакллантирувчи, ахлоқий, эстетик тасаввурларни ва эътиқодни шакллантирувчи таълим.

Тарбиянинг асосий қонуни –

Ўсиб бораётган ёш авлодни катта ёшдагилар ижтимоий тажрибасининг эгаси қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётга қўшилишини таъминлаб беришда амалга ошириладиган зарурий ва мажбурий фаолиятдир.

Тарбиянинг мақсади –

Жамиятнинг алоҳида шахсга бўлган эҳтиёжларини ақс эттириш, унинг моҳияти, идеал талаблари, ўзига хослиги ва фазилатлари, ҳаётга муносабатининг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик ривожланишини назарий ва амалий умумлаштиришидир.

Тарбиянинг объектив қонуниятлари -

Ўқув - тарбия жараёнини ташкил этиш ва ижтимоий ҳаёт, шахснинг ўзига хослиги ҳамда сифатларини шакллантиришдек талабларидаги тургун бўлган анъаналаридир.

Тарбиявий муҳит –

Инсон шахсини шакллантирувчи табиат, ижтимоий муносабатларнинг тизими, ижтимоий тафаккур, турмуш ва шахслараро муносабатларнинг доираси каби омилларнинг бир бирини бойитиши ва мувофиқ келишидир.

Тарбиялаш услублари –

Жамиятда қабул қилинган ҳатти-ҳаракатлар, мулоқот, муносабатлар тизими ва талабларини талабалар онгига сингдиришга йўналтирилган педагогик таъсир.

| | |
|---|--|
| Тарбия қондаси – | Педагог таълим ва тарбия жараёнини яхшироқ ташкил этиш мақсадида фойдаланадиган бошланғич ҳолат, раҳбарлик асосидир |
| Таълим - | Инсоният тажрибасининг маълум томонларини, яъни ижтимоий тараккиётнинг ҳозирги талабларига мувофиқ даражада билимларни тарбияга эга бўлишларини таъминлайдиган фан, техника, ахлоқ, маданият ва санъатни ўзлаштиришга қаратилган махсус, уюштирилган фаолият, ўқитиш ва ўқишдир. Таълим турлари кўп: ахлоқ-одоб таълими, табиий билимлар бўйича таълим, техник таълим, касбунара таълими, сиёсий таълим ва ҳоказо. |
| Таълимнинг тарбияловчи характери – | Ўқитиш жараёнида талабалар орттирган билим ва кўникмалар билан уларнинг дунёкараши, инсоний фазилатларини ривожлантириш орасида боғланишларга эришилишини таъкидловчи педагогик қонуният. |
| Таълимда фаоллик – | Таълим жараёнида талаба шахсининг фаоллиги, таълим жараёнининг субъекти эканлигини акс эттирувчи дидактик жараён. |
| Тизим - | Юнонча “systema” сўздан олинган бўлиб, бўлақларда ҳосил бўлган, бирикиш маъносини англатади. Яъни яхлит, бутунликда фаолият кўрсатма оладиган ўзаро боғлиқ элементларнинг йиғиндисидир. |
| Тест – | Аниқ педагогик тадқиқот учун ишлатиладиган сўровнома, синалаётган талабанинг психологик ва интеллектуал тавсифи, унинг билим, тушуниш, удралаш, кўникмаларини ўлчашга имконият берувчи стандартлаштирилган топшириқлар. |
| Технология- | Ашё ёки ярим хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириш учун ҳолати, шакли, хоссаси, хусусиятларини ўзгартириш усуллари мажмуаси. |
| Тушунтира олиш қобилияти – | Ўқув материални талабаларга тушунарли тилда баён эта олиш, талабаларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғотиш қобилиятидир |
| Умуминсоний қадриятлар | Барча миллатлар манфаатига мос келадиган маънавий хазинадан иборат бўлиб, миллий қадриятлар билан тарбиявий асосга эгадир. |

**Умумпедагогик
тайёргарлик –**

Педагогик категориялар ва методологик асослар ҳақидаги билимларни шакллантириш, психологик-педагогик сезгирлик, кузатувчанлик, педагогик ва ўзини тута олиш, боладан ҳамда ёшлардан ёшига кўра ривожланишидан, асосий қонуниятлари ҳақидаги билимларни, талабалардан индивидуал ўзига хосликлари, педагогик ишлар билан қизиқувчанлигини шакллантиришдир.

Услуб–

Маълум ўқув материалларини ўтишда қўлланилаётган асосий ўқитиш усули билан бирга иккинчи бор ўқитиш усулининг айрим элементларидан фойдаланиб иш кўришдир.

Усул (усул) –

Фалсафий ва илмий билимларни яратиш ва асослаш усули: воқеликни амалий ва назарий жиҳатдан ўзлаштиришга қаратилган, маълум тарзда йўналтирилган усул ва тажрибалар йиғиндиси.

Халқ педагогикаси –

Авлоддан-авлодга оғзаки ижод намуналарида ўтиб келаётган, тарихий, иқтисодий, ижтимоий муҳит таъсирида тўпланган, тўпланаётган ва ҳаёт тажрибасида жуда кўп синалган педагогик қарашлар, билим, кўникма, малакалар келтириб чиқарган тарбиянинг усул, услуб ва услубиятларидир.

Ҳуқуқий тарбия –

Талабаларда ҳуқуқий маданиятни, қонунга бўйсунувчанлик ҳатти-ҳаракатларини шакллантириш.

Шахс -

Ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивиддир. Шахсга таалуқли бўлган энг муҳим тасниф - унинг жамиятдаги мураккаб ижтимоий муносабатларга бевосита алоқадорлик, ижтимоий фаолиятга нисбатан ҳам объект, ҳам субъект бўлишлиқдир.

**Шахснинг ақлий
сифатлари -**

Шахснинг ақлий жиҳатдан камолотга етишуви, унинг ақлий, зехний сифатлари, фазилатлари орқали намоён бўлиши. Бу даражага олиб боровчи сифатлар: билагонлик, объективлик, фикрловчилик.

Шахсни ҳар томонлама
камолга етиши –

Маълум бир реал тарихий шарт-шароитларда амалга ошириш мумкин бўлган қобилиятлар ва иктидорларнинг, унинг моҳиятини ташкил этадиган ҳамма кучларнинг тўлиқ ва батамом ривожланишидир.

Экологик тарбия –

Талабаларни экологик (атроф –муҳит муҳофазаси) билимлар билан қуроллантириш, шунингдек табиатга нисбатан ахлоқий-эстетик, оқилона экологик хатти-ҳаракатлар кўникмаларини, экологик тафаккурни ҳамда экология учун фаол курашиш қобилиятларини шакллантириш.

Эстетик дид–

Шахсда унинг шахсий ва ижтимоий хусусиятларининг кўшилиши натижасида ҳосил бўладиган мураккаб ҳодисадир.

Эстетик идеал –

Бу шахснинг табиат, жамият ва санъатдаги мақсад тарзида идрок этадиган, такомиллашган гўзаллик борасидаги баҳосининг акс этишидир.

Эстетик тарбия –

Санъатдаги, табиатдаги қуршаб олган ҳаёт воқелигидан гўзаллик воситалари асосида тарбиялаш, инсонни гармоник тарбиялаш воситасидир.

Эстетик туйғу –

Бу шахснинг буюм ёки ҳодисага эстетик баҳо бериш муносабатини бошдан кечиришидир.

Ўз-ўзини англаш –

Субъект (шахс) томонидан объектив, реал, ҳаётий ҳақиқатни акс эттириш, унинг субъектив кнѳаси, образини яратиш ва ўз хатти-ҳаракатлари ҳамда фаолиятини ўз-ўзидан бошқарувини ўзида намоён этадиган, ўзини бошқалар билан таққослаш имконини берувчи онг шакли

Ўқитиш –

Ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги фаолияти ва бу жараёнда талабаларнинг маълумот олиши, ўқув, кўникма ва малакасини эгаллаши, тарбияланиб, ривожланиб бориши назарда тутилади

Ўқиш -

Талабанинг кишилар тажрибасидан билиб олган қонуниятларни ўзида акс эттиришидир.

Қадриятлар –

Инсон ва инсонлар учун аҳамиятли бўлган эркинлик, тинчлик, ижтимоий тенглик, ҳақиқат, маърифат, гўзаллик, яхшиликдан иборат ҳолатлар йигиндисидир. Борлиқ ва жамият, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча.

Қонуният –

Бу барқарор, зарурий. у ёки бу ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги мутаносиблик ва муҳим алоқа.

Ҳадис–

Ислом динида Қуръону каримдан кейинги муқаддас манба, Муҳаммад пайғамбарнинг фаолияти кўрсатмалари ҳақида ривоятлар мажмуи.

ИЛОВАЛАР

ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР.

Педагогик мини кейсларни таҳлил қилиш намуналари

1-вазият. Наргиза исмли қиз бола 7 ёшда. У 3 ёшидан рақс тўгаракка, 5 ёшидан эса вокал ва театр студиясига катнайди ва тез-тез саҳнага чиқиш туради, турли танловларда катнашди. Навбатдаги чиқиш олдидан ўйин вақтида Наргиза ўзининг тенгқурларига: “Мен сизлардан яхшироқ биламан, мен саҳнага кўп маротаба чиққанман, сизлар эса, чикмагансизлар. Шунинг учун, мен тулки ролини ўйнайман” деб, раҳбарлик қилишга ҳаракат қилмоқда. Тенгқур кизлар унга бўйсунушдан бош тортишга ҳаракат қилмоқдалар ва тарбиячи олдига ёрдам сўраб бормоқдалар.

Ечим вариантлари:

1-вариант. Наргизага ўзининг дугоналарига ўзларини намоён қилишларига ёрдам бериш учун ушбу ўйинда режиссёр ролини таклиф этиш: Уларнинг чиқишлари ҳам мактовга лойиклигини кўрсатиш.

2-вариант. Наргиза билан бадий асар қаҳрамонлари хулқларининг салбий томонлари (мактаниш, дўстларининг хафалиги ва ҳоказо) ни таҳлил қилишга йўналтирилган суҳбат ўтказиш, бошқа кизлар унинг дугоналари эканлигини, уларда ҳам шу ролни ўйнашга хоҳишлари борлигини тушунтириш. Тулки ролида навбат билан ўйнашни таклиф этиш.

3-вариант. Болаларга тортишмасликни таклиф этиш, балки ролни тақсимлашни қуръа ташлаш йўли билан амалга ошириш. Шунда тўғри бўлар.

4-вариант. Тулки-бош роль учун танлов ташкил қилиш, мустақил ҳакамларни (ушбу ўйинда катнашмайдиган ўғил болалардан) танлаш.

5-вариант. Ушбу муаммони ҳал этиш учун болаларга мурожаат қилиш.

Саволлар:

1. Сизнинг ҳаракатларингиз қандай бўлади?

Талабалар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.

2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.

4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.

5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими:

Наргиза дугоналарига нисбатан менсимаслик ва кўпол муносабатда бўлиши ўзига нисбатан менлигини устун қўйиши ва хулқида салбий ҳолатлар кўзга ташланиши тарбиячи томонидан унга нисбатан секин-аста якка тарзда суҳбатлар ўтказиши лозим. Ўртоқларига нисбатан инсоний муносабатларини шакллантириш керак. Тарбиячи унга ёндошишда эртақлар, турли хажвий шеърлар, ҳадислардан намуналар келтириш орқали салбий хислатларини йўқотиши мумкин.

2-кейс

2-вазият. Асадбек 7 ёшда. У ёшлигидан эътиборан елимлаш, расм чизиш, қуришга қизиқади. Асадбек яхши расм чизади, пластилиндан турли нарсалар ясайди, ажойиб конструкциялар яратади, ижодий хаёл суради. Тарбиячининг болани бадний студияга бериш таклифига Асадбекнинг ота-онаси, у спорт билан шуғулланиши керак деган қарорга келиб, рад жавобини беришди. Асадбек боғчада ҳеч ким билан дўстлашмайди, болалар билан кўпинча низога киришади. Агар болалардан бири уни расм чизишига, уйча қуришига ёки бошқа ўйинларига қўшилмоқчи бўлса, Асадбек кўпинча уларни қўймади. У болаларга аралашмайди, уни ўз севган машғулотида чалғитиш ёки этиборини бошқа нарсага қаратиш қийин, яъни “бола ўзи билан”.

Кейсга савол-вазифа:

Сизнинг ҳаракатларингиз қандай бўлади?

Ечим вариантлари:

1-вариант. Асадбекнинг ўзини-ўзи баҳолаши жуда паст ҳолатда. Ўзига нисбатан ишонч етишмайди. Унинг баҳоси ота-онаси томонидан тан олинмаган. Боланинг ўзини-ўзи баҳолашини ривожлантиришга ҳаракат қилиш керак, танловларда қатнашишни таклиф этиш лозим. Асадбекнинг

муваффақиятларини ота-она ва болалар баҳолашлари учун, унинг ишларини кўргазмаларга кўйиш лозим.

2-вариант. Социометрик услубдаги тадқиқот ўтказиш, болани афзал кўриш, уни очиш ва турли умумий вазифалар берган ҳолда, болалар билан яқинлаштиришга ҳаракат қилиш, уларни биргаликда фаолият кўрсатишга тортиш керак.

3-вариант. Ота-она билан иш олиб бориш. Уларга боланинг қизиқишини кўриш ва тушунишга ёрдам бериш. Асадбек унга тавсия этилаётган машғулотга қизиққан бўлиши, фақат “онаси айтганлиги учун эмас”, балки унда мойиллик ва қизиқиш бўлгани учун, қўшимча таълим танлашда боланинг фикрини ҳисобга олишни таклиф этиш. Спорт билан яқинба кунлари оилавий шугулланиш ҳам мумкинлигини тушунтириш.

Талабаларга тавсия этиладиган манбалар:

1. Гуруҳдаги ҳар бир бола индивидуал психологик хусусиятлари ўрганиш.

2. Таълим муассасаларининг “Табақалаштирилган таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги Низоми.

Талабалар учун кўрсатмалар:

6. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.

7. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.

8. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.

9. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.

10. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

6. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.

7. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

8. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.

9. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.

10. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими:

Тарбиячи Асадбекни индивидуал кизиқишини ҳисобга олиши керак, гуруҳдаги ҳар бир болани кизиқишини уни қобилятини ҳисобга олиши лозим. Тарбиячи уларни иқтидорини аниқлаштиришда ота-оналар учун ҳам маслаҳатлар бера олиши зарур.

3-кейс

3-вазият. Аҳмад болалар боғчасида яна бир йил қолиб, бошқа гуруҳда тўрт йил мобайнида тарбияланган тарбиячисини соғинмоқда. Аҳмад кўпинча ўзининг аввалги гуруҳига меҳмонга келади: тарбиячилар билан мулоқотда бўлади, болалар билан ўйнайди, конструктордан фойдаланиб, турли қурилмаларни ясашни ўрганади ва ҳоказо.

Тарбиячилар доимо Аҳмадни яхши қабул қиладилар, унинг онасига ҳам ўглининг бундай ташрифи ёқади-тарбиячилар билан унинг алоқаси яхши, ижобий муносабатда. Кунларнинг бирида, Аҳмадни боғчадан олиб кета туриб, онаси унинг қўлида бегона кичик машинача борлигини пайқаб қолди.

Кейсга савол-вазифа:

Нима қилиш керак?

Ечим вариантлари:

1-вариант. Боладан қуйдагиларни сўраш:

-Аҳмад, бу кимнинг машиначаси? Уни эгасига бериш керак.

-Мен Муқаддас опанинг (тарбиячи) олдига меҳмонга бордим, болаларга гараж қуришни ўргатдим ва билмасдан чўнтагимга солибман,-деб, Аҳмад онасига айёрлик қилди.

-Болалар олдига бориб, машиначани қайтариб бергин.

-Йўқ, у менга ёқади, менда бундай машинача йўқ,-деб Аҳмад қайсарлик қилди.

-Аҳмад, бу машиначани болалардан бири уйдан олиб келгандир ва ҳозир йиғлаётгандир, излаётгандир,-деб она таъкидлайди.

-Йўқ, бормайман. Тарбиячи Муқаддас опанинг жажли чиқади ва менга машиначани ўғирлагансан, деб айтади, мен уяламан,-деб Аҳмад қайсарлик қилди.

-Аҳмад, кел эртага биргаликда Муқаддас опанинг олдига борамиз ва машиначани берамиз.

2-вариант. Вазиятни олдиндан Муқаддас опа билан муҳокама қилган ҳолда болани машиначани қайтариб беришга кўндириш.

Кечкурун, Аҳмадни олиб кетишдан олдин, Марғуба опа Муқаддас опанинг олдига кириб, бўлган воқеани айтиб беради ва боласи билан келишганлигини огоҳлантириб қўяди. Муқаддас опа онанинг ёндашувини қўллаб-қувватлайди ва болага машиначани қайтариш вақтида хурсанд бўлиб шундай дейди:

-Ахмад, Равшаннинг машиначасини топиб олибсан-ку! Биз эса кун бўйи уни изляпмиз. Равшан йиғляпти, тезроқ кел, уни Равшанга бергин, сенга катта раҳмат дейди.

3-вариант. Маргуба опанинг ўзи машиначани олади ва Муқаддас опага олиб бориб беради. Вазиятни тушунтиради. Лекин бегона нарсаларни олиш яхши эмаслиги ҳақида олдиндан ўғли билан суҳбатлашади.

4-вазият. Ўрта гуруҳ болалари кечкурун айланишга тўпланадилар. Асадбек ва Мафтуналарнинг кийим-кечак жавончалари ёнма-ён жойлашган. Бу икки бола жанжаллашиб, бир-бирларига халакит берадилар. Вазиятни енгиллаштириш мақсадида тарбиячи, болаларга қулай бўлишини кўзлаб стулчаларни узоклаштиради, лекин болалар тортишувни давом эттирадилар. Кейсга савол-вазифа:

Нима қилиш керак?

1-вариант. Асадбекга ҳақиқий жаноб сифатида қизчага жойни беришни таклиф этиш. Унга ҳақиқий эркаклар ўзларини худди шундай тутадилар, деб айтиш.

2-вариант. Мафтунага уришмасликни, ўзининг нарсаларини олиб бошқа жойга ўтишни таклиф этиш.

3-вариант. Агар болалар жавончалар учун доимо уришаётган бўлсалар, у жавончаларнинг жойини алмаштириб қўйиш га ҳаракат қилиб кўриш.

5-вазият. Ота-оналар болалари билан мулоқот пайтида кўпинча уларни бошқа болалар билан такқослайдилар. Шириннинг онаси, ўз кизининг хулқидан хурсанд, кўпинча у: “Сен борган сари аклли бўлаяпсан. Сен ҳаммадан ҳам яхшисан”, “Сен энг чиройлисан”, - дейди.

Дилнозанинг онаси эса кизига “Ҳамма болалар ҳам бола, фақат сен менинг тентагимсан”, “Қарагин, Дилфуза қандай аклли киз. У ҳамма ишни эплайди, сендан эса, ҳеч нима чикмайди”, каби жумлаларни ишлатади.

Кейс бўйича савол ва вазифалар:

1. Иккала она ҳам ўз болаларига яхшилик истайдилар, лекин уларнинг қайсиниси тарбияда яхшироқ натижага эга бўлади?

2. Болаларнинг хулқини “лойихалаш” йўналиши оналарнинг шахсий хусусиятларига боғлиқми?

Ечим. Иккала она ҳам ўзларининг қизларини бошқа болалар билан такқослайдилар, лекин биринчи она ижобий такқослашлардан, иккинчи она эса салбий такқослашлардан фойдаланади. Шу билан бирга, Ширин ва Дилнозаларнинг хулқларини “лойихалаш” турличадир.

Агар она, ўзига ишонган инсон бўлса, у ҳолда, одатда, у ўзининг боласини мақтайди ва уни бошқа болалардан ижобий тарзда ажратади. Бу боланинг ижтимоий мавқеи ўсишига ўзининг тенгқурлари билан ўзаро муносабатидаги тизимда яхши ўрин эгаллашига имкон беради.

Агар она, ўзига ишонмаган инсон бўлса, ўзини бошқа инсонларга нисбатан нима биландир ёмонроқ сезса, у ҳолда ўзининг ишончсизлигини узатган ҳолда, боласига нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлади. Бундай онанинг боласи паст ижтимоий мавқега эга бўлади.

Умуман, болаларнинг хулқини кеча, аввал бўлган ўзининг шахсий хулқи билан таққослаш мақсадга мувофиқ.

6-вазият. Биз кўпинча оналарнинг ўз болалари билан мулоқотда уларнинг имкониятларини турлича баҳолашларининг гувоҳи бўламиз. Баъзи оналар: “Сен мен қилолмаган ишларни бажара оласан! Сен тўғри айтаяпсан, баракалла!” каби жумлалардан фойдаланиладилар.

Бошқа оналар эса: “Сен ҳали ёшсан, катталар айтганларига қулоқ сол! Сен нимани ҳам билар эдинг, ўрганиб кейин тушунасан!” каби жумлалардан фойдаланадилар.

Кейсга савол-вазифа:

Турли оналарнинг ўз болалари билан мулоқотидаги тубдан фарк нимада?

Ечим. Бир хил оналар болаларида ўзига ишончни шакллантирадилар (“Агар онам мени мақтаса, демак, мен нимагадир қодирман!”). Улар боланинг камол топишига имконият берадилар, унда ҳаётий фаолликни яратадилар ва тўғри шаклланишига ёрдам берадилар.

Бошқа оналар, аксинча, болада ўзига ишонмасликни шакллантирадилар, унда хавотирланиш ҳиссини пайдо қиладилар, фаоллигини пасайтирадилар, келажакка ишончсизлик туғдирадилар (“Агар онам мени урушса, демак, мен ҳеч нимага қодир эмасман, мен ёмонман!”).

Талабалар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.

2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.

4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.

5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Mirziyoyev Shavkat Miromonovich. Erkin va farovon, demokratik o'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq / Sh.M. Mirziyoyev. – Toshkent : O'zbekiston, 2016. - 56 b.
2. Mirziyoyev Shavkat Miromonovich. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruza, 2017 yil 14 yanvar / Sh.M. Mirziyoyev. – Toshkent : O'zbekiston, 2017. – 104 b.
3. Mirziyoyev Shavkat Miromonovich. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruza. 2016 yil 7 dekabr /Sh.M.Mirziyoyev. – Toshkent: “O'zbekiston”, 2017. – 48 b.
4. Mirziyoyev Shavkat Miromonovich. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. Mazkur kitobdan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2016 yil 1 noyabrdan 24 noyabrga qadar Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri saylovchilari vakillari bilan o'tkazilgan saylovoldi uchrashuvlarida so'zlagan nutqlari o'rin olgan. /Sh.M.Mirziyoyev. – Toshkent: : “O'zbekiston”, 2017. – 488 b.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 1992.
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққийтининг пойдевори.-Т.: Шарқ, НМК.1997.31-61 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққийтининг пойдевори.-Т.: Шарқ,НМК, 1997.- 20-25 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим концепцияси. – Т.: 2008. — 24 б.
9. Бола шахсини ривожлантириш Давлат талаблари. Т.: 2017.

10. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни саводга ўргатиш “Болажон” таянч дастури. Т.: 2010. 198 б.
12. Ўқув-малакавий амалиёт дастури. (III – курс учун) Т.: 2011. 61 б.
13. Азизходжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахасисликка тайёрлаш технологияси.- Т.: ТДПУ, 2000, -30 Б.
14. Абдуқуддусов О. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашга интегрatív ёндашув. – Т.: Фан. 2005. – 157 б.
15. Беспалко В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучение. М.: Институт профессионального образования. Россия. 1995-190 с.
16. Бозорова С. Олий таълимда касбий йўналтирилган ўқитиш технологияси. Т.; 2006 – 108 б.
17. Бобомуродов А. Ислом одоби ва маданияти. Т.; Чўлпон, 1995.-176 б.
18. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. Т.; Ўқитувчи, 1997. – 133б.
19. Педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий қўлланма. - Т.: 2000,-126.
- Сайдахмедов Н.С. Ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини моделлаштириш. // Халқ таълими. 1995. №5-6-сон, 85-88 б.
20. Рахимова Б.Х. Бўлажак ўқитувчида касбий - маданий муносабатларнинг шакллантириш тизими. - Т.: Фан. 2005-44 б.
21. Ишмаҳмедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар Т.; 2008. ”Истеъдод”
22. Хайдаров М., Ҳасанбоева О. Педагогик амалиётни ташкил қилиш методикаси. Т.; 2003. – 39 б.
23. Ўзбек педагогикаси антологияси. 2 жилдлик 1-жилд. Тузувчилар: Ҳошимов К., Сафо О. Т.; Ўқитувчи, 1995й. 460б.
24. Қодирова Ф. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш. Т.: 2011.- 126 б.
25. Қуронов М. Юксак интеллектуал салоҳият – барқарор тараққиёт кафолати. Т.: Маърифат журнали, 2011. 1-сон, 8-9-б.
26. Ҳасанбоев Ж, Ҳасанбоева О, Турапова М. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. - Т.: Бадиий адабиёт, 2002.-272 б.
27. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика.- Т.: Ўзбекистон. 2010. – 399б.
28. Ҳасанбоева О. ва бошқалар. Оила педагогикаси.- Т.: Алоқачи. 2007.-315 б.
29. Ашурова Н.Р. Ўқувчиларни меҳнат ва касбга тайёрлашни такомиллаштиришда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг педагогик шароитлари. Номзодлик диссертацияси автореферати. – Т.: 2007. – 21 б.
30. Васильев Ю.К. Теория и практика подготовки будущих учителей к осуществлению политехнического образования. Дисс. Док.пед.наук, - М.: 1980, - 467 ст.

31. Валихўжаева Ф.Б. Талабаларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш. Номзодлик диссертацияси автореферати. – Т.: 2005. – 19 б.

32. Saidahmedov N. Yangi pedagogik texnologiyalar. “Toshkent”,
“Moliya” 2003y 172-bet.

33. Sayidahmedov N. Pedagogik mahorat va pedagogic texnologiya. – Т., О'zmu qoshidagi OPI, 2003.

III. INTERNET SAYTLARI:

1. <http://www.ziyo.net.o'z>.

2. <http://www.pedagog.o'z>.

3. <http://www.edu.o'z>.

4. <http://www.google.uz/>

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| КИРИШ..... | 3 |
| I БОБ. БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ..... | 6 |
| Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришда педагогик амалиётни ташкил қилиш – ижтимоий эҳтиёж ва педагогик муаммо сифатида..... | 6 |
| Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришда педагогик амалиётни ташкил қилиш технологиясининг самарали омиллари..... | 10 |
| II БОБ БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ..... | 20 |
| Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари..... | 20 |
| Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришда педагогик амалиётни ташкил қилишга тизимли-технологик ёндошув..... | 26 |
| Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда малакавий амалиётни ташкил қилиш тизими мазмуни..... | 28 |
| “Миллий хунармандчилик билан таништириш” мавзусидаги ноанъанавий муҳассам машғулот ишланмаси..... | 58 |
| ГЛОССАРИЙ..... | 67 |
| ИЛОВАЛАР..... | 79 |
| Фойдаланилган адабиётлар..... | 86 |

ҚОДИРОВА ЗОҲИДА СОБИРОВНА

**БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИ
КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(малакавий амалиёт мисолида)**

Бичими 60x84. 1/16. шрифт гарнитураси Times New Roman.
Хажми 5.6 босма табок. Оқ қоғозга офсет усулида босилди
Адади. 100 Буюртма № 4.

“Fazilatortextservis” ХКда чоп этилди
Манзил: Наманган шаҳар Навоий кўчаси 72 уй

«Navro`z»
Nashriyoti

ISBN 978-9943-602-1-7-5



9 789943 602175